


Йўлдош Баҳрин

ИҚБОЛНОМА

Н а з м



«TAMADDUN»

Тошкент – 2015

УЎК: 821.512-133-1

КБК: 84 (5Ў)7

Б-43

Баҳрин, Йўлдош.

Иқболнома: назм / Й. Баҳрин, сўзбоши муаллифи Ж.Камол.
Т.: – «Тамaddon» нашриёти, 128 б.

ISBN 978-9943-4521-7-6

© Й. Баҳрин, 2015 й.

© «Тамaddon» нашриёти, 2015 й.

ҲАМ РАССОМ, ҲАМ ШОИР

Аллоҳ таоло бандасига баъзан кўшқўллаб беради... Иштихонлик Йўлдош Баҳрин (Бердикулов Юлдашбой Холмуратович) ҳам рассом, ҳам шоир. Шоир бўлгандаям, икки тилли шоир, зуллисонайн. Ўзбекча ёзиб, русчага ўгиради, ёхуд русча ёзиб, ўзбекчага ағдаради. Бунақаси кам учрайди. Буни қадрлаш керак.

Йўлдош менга ўзи чизган бир расм (картина) ва тўрт дафтардан иборат шеърларини тақдим этиб, фикримни сўради. Расм “Шайтон дарахтини кўпорилиши” деб аталади. Беқасам тўн кийиб, белига белбоғ боғлаган йигит ана шу маъшум дарахтни кўпорилшга киришган. Жамият ҳаётини ана шу касофатдан ҳалос этмоқчи... Маъно аниқ, мазмун теран, кишини бефарқ қолдирмайди. Ҳофизнинг ҳофизлиги унинг битта ашуласидан маълум бўлганидек, рассомни ҳам битта расми айтиб туради. Йўлдош – етук рассом...

Хўш, унинг шеърлари нечук? Шеърый истеъдоди кўзга ташланиб туради. Сўзни ҳис қилади. Оҳанг-ни уюштира олади. Фикр доираси кенг. Савияси баланд. Энг муҳими, қалбида чирой бор. Буни мумтоз адабиётда “Ҳусни дил” дейишади. Қалбида ҳусни, чиройи борки, олам гўзаллигини идрок этиб, бўёқлар воситасида қоғозга кўчиради. Қалбида ҳусни, чиройи борки, одам гўзалликни ҳис этиб, сўз воситасида шеърга солади. Аммо бу ҳали Йўлдошнинг ёзганлари юксак шеърят намунаси дегани эмас. Аммо унутмайликки, хиёбонда ёлғиз чинорлармас, тол ҳам, терак ҳам ўсади. Мен Йўлдошнинг

шеърларини ана шу нуктаи назардан баҳолашни истардим.

Шуниси кизикки, гоҳида шеърларнинг русчаси менга яхшироқ, пишиқроқ туюлади. Мисол, “Шекспир ва ёш шоир” шеърида ўқиймиз.

Ўзбекчаси:

*Шекспир дер: Сафоклга қилиб мен ҳавас,
Сафоклдек бўлолмадим, Шекспирман, рост.
Сафоклнинг меъросидан ўргангил илм,
Камминага ҳавас қилсанг, сен бўласан ким?*

Русчаси:

*В поэзии я хотел Сафоклом быть,
Но стал Шекспиром, не буду забыт.
Учись у Сафокла, он лучше меня,
Иначе никого не выйдет из тебя.*

Кўриниб турибдики, русчада маъно аниқ, ифода пишиқ.

Хуллас, гапни чўзмай, муддаога ўта қолай. Йўлдош Баҳрин шеърый машқларини китоб ҳолида нашр эттирмақчи экан, қўллаб-қувватлаш керак. Ишонаманки, бу китоб ўз ўқувчисини топади.

Жамол Камол,
Ўзбекистон халқ шоири

ЮРТИМ

Муборак ўлкам, жоним – жаҳоним,
Оламда танҳо Ўзбекистоним!
Тушган ҳар уруғ бошоғи тўлиқ,
Айланай, Юртим, тупроқларингдан!

Суви сир бўлган, томирда қоним,
Аму, Зарафшон – танамда жоним,
Мавж уриб оққан, жилоси ёққан,
Айланай, Юртим, дарёларингдан!

Улуғ Самарқанд – тарих шодаси,
Ҳар шаҳрим замин бир дурдонаси,
Юртим пойтахти – юрагим тафти,
Айланай, Юртим, гулбоғларингдан!

Жаннатга монанд ҳар битта гўшанг,
Қадрдонларим: эъзозланг, яшанг!
Чорбоғли сойлар – энг сўлим жойлар,
Айланай, Юртим, қишлоқларингдан!

Минг бир хил мева – бари асал, бол...
Қовун-тарвузлар... барака, иқбол.
Ошуфта тилим, таъзимда қўлим,
Айланай, Юртим, боғ-роғларингдан!

Дала-даштларинг оппоқ чаманзор,
Нафис хонатлас пилланг пиллакор.
Қутлуғ қарвоним – тинчлик замоним,
Айланай, Юртим, хирмонларингдан!

Тилла тўлқинли донли уммонлар,
“Кемалар сузар” уфқ тамонлар,
Ёзнинг чилласи, элим ғалласи,
Айланай, Юртим, оқ нонларингдан!

Широқ улғайган офтоб макони,
Сирли сандиғим: зар – тиллам кони,
Ҳар тош афсона, дoston, нишона,
Айланай, Юртим, саҳроларингдан!

Куёшни ўпган ҳар тонгда минг бор,
Само таянчи, мағрур, беғубор.
Элимга ибрат: нур сари ғайрат!
Айланай, Юртим, тоғ-тошларингдан!

Қудратга тўлган тоғлар томири,
Танамга малҳам, Тангримнинг амри,
Туну кун оққан, юракка ёққан,
Айланай, Юртим, булоқларингдан!

Машҳур “Шашмақом” янграган замон,
Булбул сайроғин тўхтатар шу он,
Шарқ дурдонаси – иқболномаси,
Айланай, Юртим, наволарингдан!

Меҳрибон, улуғ – Аллоҳ суйган эл,
Йўлларинг азал шарқу ғарбга бел,
Тилла тож-тахтли, иқболли, бахтли,
Айланай, Юртим, инсонларингдан!

Доно, нуроний, офтобга монанд,
Иймони бутун, ҳаёти ҳикмат,
Машҳур жаҳонда: илмда, фанда...
Айланай, Юртим, боболарингдан!

Фариштамисол уйнинг тўрида,
Неваралар-ла ёзда сўрида,
Меҳр булоғи, эзгу тилаги,
Айланай, Юртим, момоларингдан!

Ҳаёт устуни, қадами ибрат,
Мурод-мақсади: бахту саодат,
Ўғил-қизлари – ўчмас излари,
Айланай, Юртим, оталарингдан!

Оппоқ билакли, уйда “Алла”си,
Доим дилнавоз тўйда “Ялла”си,
Қутлуғ бешиги, очиқ эшиги,
Айланай, Юртим, оналарингдан!

Юрагида ўт, бир қўлда китоб,
Бир қўлда байроқ, ҳаёти шитоб,
Жасур посбоним, нурли осмоним,
Айланай, Юртим, ўғлонларингдан!

Дунёда дилбар ўзбек қизларин
Йил бўйи қуёш ўпар изларин,
Бари – малика, қалбимга бека,
Айланай, Юртим, жононларингдан!

Жажиларим-ла қувнайди офтоб,
Сизга бахш этдим ҳаётим шу тоб,
Ватан юраги – Ватан тилаги,
Айланай, Юртим, фарзандларингдан!

Иқбол елкани, шуҳрат гултожи,
Мурод-мақсадли халқим қулочи,
Билим ўчоғи – зиё қучоғи,
Айланай, Юртим, даргоҳларингдан!

Ҳақ назар солган, нурафшон диёр,
Ғазна – конларинг ҳисобсиз, бисёр,
Сим-сим синаот, минг бир саноат,
Айланай, Юртим, имконларингдан.

Муқаддас Ўлкам, кўрмагин завол,
Гуллаб-яшнайвер, топавер камол,
Меҳробим улуғ, иқболим тўлиқ,
Айланай, Юртим, Истиклолингдан!

БАХТ ГАРОВИ

Хаётда дуч келдим кўплаб инсонга,
Дунё-ю давлатли ва муҳтож нонга,
Ҳамда фарзанди мўл, кирмаган сонга,
Ҳам фарзандсиз – изсиз, яккаш бир жонга...
«Бахтлимисиз?» дедим, ёр-дўст анчаси,
Сўзлар турли бўлди, ҳар хил лаҳжаси:
«Бир кам дунё экан..» деди барчаси,
Йиғлаб жавоб берди, йиғлаб қанчаси...
“Бир кам дунё...” камин изладим узоқ,
Йўллар турли, тотдим азобин тузоқ,
Кўз-ла эмас, қалбан англадим бироқ,
“Кам дунё”нинг бири – Ҳақ экан, мутлоқ!

ШЕКСПИР ВА ЁШ ШОИР

Вильям Шекспир олдига ёш шоир келди,
Ёзган шеърларин кўрсатиб: – Дурустми? – деди.
Шекспир дер: – Кўнглинг нима истар назмда?
У дер: – Шекспирга дилим, доим, таъзимда...
Шекспир дер: – Сафоклга мен қилиб ҳавас,
Сафоклдек бўлолмадим, Шекспирман, рост.
Сафоклнинг меъросидан ўргангил илм!
Каминага ҳавас қилсанг, сен бўласан ким?

ДЎСТЛАРИМГА!

Болалигим нахорида ўйнадим, кулдим,
Покиза туйғум маъносин кейинроқ билдим,
Қувонч билмас кишилардан қайғуга тўлдим,
Қалбда ҳасрат, кўзимда ёш оламини кўрдим!
Суянчим Оллоҳим бўлди, азиз дўстларим!

Таянч излаб жаҳон кездим, кўрдим кўп элат,
Танҳоликда кўп суриндим, инсон кўп ғалат,
Билим учун, ижод учун тотдим “хўп” захмат,
Ҳаёт йўлим тополмадим, фойдасиз меҳнат,
Таянчим Оллоҳим бўлди, азиз дўстларим!

Яхши-ёмон инсонларда ишонч топмадим,
Яхши-ёмон меҳнат қилдим, қувонч тотмадим,
Не бўлса ҳам бойлик учун Иймон сотмадим,
Азиятда ўтга, сувга ўзим отмадим,
Ишончим Оллоҳим бўлди, азиз дўстларим!

Излай бошладим дилимда саодат – бахтни,
Қалбимнинг тўрида топдим Илоҳий тахтни,
Тангрим ризолиги учун қилдим мен аҳдни,
Савобнинг йўлига кирдим йўқотмай вақтни,
Қувончим Оллоҳим бўлди, азиз дўстларим!

МЕҲР АРДОҒИ

Меҳрибон инсоннинг озори бўлмас,
Қаҳри кўп қалбларнинг бахти ҳеч кулмас,
Ким-ки ғофил экан, йўллари йўлмас,
Азизларим, сизга меҳр соғиндим,
Азизларим, сизга иқбол соғиндим.

Меҳр ардоғига ҳеч ким тўймаган,
Қаҳрнинг ўтида борми куймаган,
Дунё кимни суюб, кимни суймаган?
Азизларим, сизга меҳр соғиндим,
Азизларим, сизга иқбол соғиндим.

Меҳрнинг меваси – ҳаёт гуллари,
Қаҳрлилар изин қолмас куллари,
Йўлдош Баҳрин, шараф, ҳикмат йўллари,
Азизларим, сизга меҳр соғиндим,
Азизларим, сизга иқбол соғиндим.

ЎЗИНГ ПАНОҲИМ

Тақдир бизни бунчалар суйди,
Биз-чун қуёш ловуллаб куйди,
Ой, юлдузлар нурларин ийди,
Яратувчи – Ўзинг Оллоҳим,
Ўзинг – Раҳмон, Ўзинг – паноҳим!

Шамоллар-да биз учун куйлар,
Биз-чун тоғдан камалак бўйлар,
Булбуллар-да биз учун сайрар,
Яратувчи – Ўзинг Оллоҳим,
Ўзинг – Раҳмон, Ўзинг – паноҳим!

Кунлар, тунлар, йиллар алмашар,
Қудратинг-ла яшнайти башар,
Йўлдош Баҳрин меҳринг-ла яшар,
Яратувчи – ўзинг Оллоҳим,
Ўзинг – Раҳмон, Ўзинг – паноҳим!

НИМА УЧУН?

Нима учун бу дунёда савол бунча кўп,
Нима учун бир саволга битта жавоб йўқ?
Нима учун осмон мовий, қуёш олтинранг,
Нима учун лола қизил, тош эса кулранг?
Нима учун сув бир рангсиз, ҳидсиз суюқлик,
Нима учун оби ҳаёт билмас қуюқлик?
Нима учун тупроқ берар озуқа-ризқни,
Нима учун ўзи юмшоқ, ўтмаслар тигни?
Нима учун бир кесақдан қовун – қалампир,
Нима учун тўқ бошоқнинг найзаси ўткир?
Нима учун пишган мева ранги яшилмас,
Нима учун симоб заҳар ва у турғунмас?
Нима учун тоғлар ётар шамолдан қалқон,
Нима учун зарра “Атом” қилади талқон?
Нима учун ер қарида олмос эмас кир,
Нима учун ҳаёсиз қиз қаровсиз кампир?
Нима учун бода берар ғаразли сафо,
Нима учун севишганлар чекишар жафо?
Нима учун нафис гулда, албат, тикон бор,
Нима учун нурга, мудом, соя бўлган ёр?
Нима учун яхши билан ёмон ёнма-ён,
Нима учун ёмонларни сақлайди омон?
Нима учун одам зоти келган дунёга,
Нима учун интилар у нурга – зиёга?
Нима учун: – Рух бирламчи, – деди Афлотун,
Нима учун буни инкор этар фан бугун?
Нима учун Арасту дер: – Бирламчи тана,
Нима учун жавоби йўқ савол кўп яна?

БИЛМАДИМ

Қалбимдаги пинҳона муаттар гулим,
Қўлларингдан тутишга етмади қўлим,
Йилдан-йилга қон бўлиб йиғлайди дилим,
Соғиндимми сени, эркам, билмадим...

Суронларда йўқотдим, азизам, сени,
Топган – топмаганларим ҳисобсиз мени,
Қалбим сенга талпинар, қумсайди нени?
Соғиндимми сени, эркам, билмадим...

Ҳижрон азоби қаттиқ – тугамас азоб,
Қалбим оташ, тугади кўзимдаги об,
Дил изҳорим қабул эт, беролмайман тоб:
Соғиндимми сени, эркам, билмадим!!!

Гўзалликда тенгсизим, эй моҳи тимсол,
Сени яна бир кўриб, бўлиб қолдим “лол!”
Йўлдош Баҳрин, ийманиб берар бир савол:
Соғиндингми мени ҳам, эркам, билмадим.

ХОТИРА

Осмон тўла юлдуз: бири яқин, бири йироқ,
Уларда ҳам бормикан азоби фироқ.
Ой ҳам хомуш сузади, бағри яримта,
Уни булут тўсади, қилади нимта.

Енгилгина шабада барглар тебратар,
Ҳаловатсиз юрагимда туғён уйғотар.
Хотирамда жонланади ёшлик йиллари,
Ортада, уфқда қолди севги йўллари.

Ўртада: тоғлар, чўллар, саноқсиз қўллар...
Хотирамда сочим силар ул гўзал қўллар.
Эсон-омон бормикан, суюкли дилбармикан,
Ёки у ҳам фироқда хотирага ёрмикан?

ВАТАНИМНИНГ ҚАДРИГА ЕТДИМ

Мусофирликда бўлдим, уқдим ҳикматни,
Яхшиларни учратдим, топдим дилбандни.
Тасодифан йиқилиб тотдим “хўп” дардни,
Ватанимнинг қадрига етдим, ёронлар!

Барча юртнинг, дўстларим, текинмас оши,
Тўтиёга айланар ўз юртинг тоши,
Вужудимда марварид кўзимнинг ёши,
Ватанимнинг қадрига етдим, ёронлар!

Мусофир, элда кўрдим яққолроқ ҳаёт,
Иймон қудратин билдим инсонларда ёт,
Барча элда азалдан иймонсиздан “дод!”,
Ватанимнинг қадрига етдим, ёронлар!

Турлича аталади турли халқ номи,
Аммо бир хил бўлади қувонч, армони,
Ўз халқимга фидодир танамнинг жони,
Ватанимнинг қадрига етдим, ёронлар!

ДЎСТЛАШИНГ!

Бу оламда ҳикмат кўп, англадим бирин,
Бир ҳикматнинг мен бу кун очайин сирин:
Пулнинг учун дўст бўлар кўпдан-кўп олчоқ,
Обрў учун дўст тутар, мудом, мақтанчоқ,
Маънавий инсон билан, доим, дўстлашинг!

Қирқ икки йил яшадим, бўлдим мен амин,
Ҳар хил инсон учратдим, гувоҳдир замин.
Олчоқ билан бирлашиб, фақат панд едим,
Одил билан дўстлашиб нон-у қанд едим,
Маънавий инсон билан, доим, дўстлашинг!

Аҳмоқ киши гапидан кўнглим тўлмайдиган,
Ҳаётидан нолишин, чунки қўймайдиган,
Ақлли бўлса одам қаҳрли агар,
Ўйлагани маккорлик ўлгунга қадар,
Маънавий инсон билан, доим, дўстлашинг!

Маънавий инсон кўнгли меҳрга тўлиқ,
Чеҳрасидан илоҳий нур балқир илиқ,
Фикрида ҳам донолик, теранлик бордир,
Дўстлик маънавий бўлса саодат ёрдир,
Маънавий инсон билан, доим, дўстлашинг!

САНЪАТ, САНЪАТ...

Санъат, санъат! – бу сўздан яшнайти қалбим,
Юрагимдан чиққан сўз куйдирар лабим.
Санъат йўли кўп оғир, лекин шарафли,
Ёшлигимдан танландим Тангрим тарафли.

Санъатга бағишладим кучимни бутун,
Ҳаётимнинг маъносин, умримни ҳар кун.
Санъатнинг йўлларида ўргандим тоқат,
Ҳамда ўзимда топдим ички ҳаловат.

Санъат сарҳадларида баъзида толдим,
Йиқилган куним бўлди, мажолсиз қолдим.
Раҳмон раҳмати билан тикландим, юрдим,
Рангасвирда, назмда қаламим сурдим.

Санъат олами чексиз, буюк, кенг, ёруғ –
Бу оламда даҳолар яшашган улуғ.
Санъатнинг сараларин тотини тотдим,
Оллоҳимни англадим, ўзлим топдим.

Санъат, санъат – бу сўздан яшнайти қалбим,
Юрагимдан чиққан сўз куйдирар лабим...

ТҶМАРИС

Ватан озодлиги – муқаддас туйғу,
Тарихда элимиз кўрган кўп қайғу.
Тарихнинг отаси – Герадот илк бор
Тўмарис ҳақида қолдирган асар.
Тўмарис малика бўлган довурак
Массагет элида доно, хуш тилак.
Массагетлар бўлган ўзаро тотув,
Бир сўзли, ҳам жасур, билмаган кўркув.
Эр, аёл барчаси турлича қурол:
Камон, қилич, найза – тутган бемалол.
Массагетлар чўлда чорва боққанлар,
Тиллага бой бу юрт – безак таққанлар;
Дарёлар бўйида қишда қишлашган,
Яхши овчи бўлган, балиқ ушлашган.
Бу элни бошқарган гўзал Тўмарис,
Эри ўлган, ўғли қолган ундан – из.

Ўша вақтда Эрон давлати шоҳи –
Кир, Массагет юртин кўзлаб нигоҳи,
Гўзал Тўмарисга юборди совчи,
Тўмарисга эмас, халқига овчи.
Ҳийлани пайқади малика дарҳол,
Рад этди у Кирни, танглашди аҳвол.
Кир энди очиқча жанговор юрди,
Тез Ўқуз дарёга кўприклар қурди.
Шоҳ Кирга Тўмарис юборди хабар:
«Кўприклар кераксиз, ишонсанг агар,
Яхшиси юртингга қайтгин соғ-омон,
Биз тинчлик иштаймиз, ўтма биз тамон!
Лекин сен гапимга қулоқ солмайсан,
Ёвузсан, биламан, асло толмайсан.
Агарда чинакам истар бўлсанг жанг,
Икки шартдан бирин танла: хоҳласанг,

Биз тамонга ўтгин дарёдан шошмай,
Биз уч кунлик йўлда турамиз қочмай;
Иккинчи шартимиз: сиз тамонга биз
Ўқуздан ўтамиз, мард бўлсангиз сиз
Қутасиз бизларни уч кунлик йўлда,
Тўқнашамиз кейин жанггоҳда — чўлда».

Подшоҳ Кир ҳақида шундай ривоят
Эл аро тарқалган, чалкаш у ғоят.
“Ит эмган шоҳ” дея аташар Кирни,
Тарихчи Герадот очади сирни:
«Хавфлидир Кир агар турса йўлимда»,
Деб тоғаси маҳкум этган ўлимга.
Тангри амри билан омон қолган Кир,
Бир юнон аёли буни тутган сир.
Бу аёлнинг исми — Кино бўлганди,
Мидейча кино — ит, Кирни олганди.
Шу сабаб “Ит эмган шоҳ” дерлар Кирни,
Жангу жадалларда олган кўп ерни.

Тўмарисдан хабар олиб ўша Кир,
Аъёнларин тўплаб сўради фикр.
Аъёнлар барчаси айтди бир фикр,
Лекин Крез ўзгача қилди зўр макр.
У деди: — Тўмарис ўтса биз тамон,
Агар биз енгилсак бўлади ёмон.
Улар ғолиб бўлгач, халқимизни кул, —
Юртни эса вайрон этиб қилар кул.
Агарда бизларга бўлса зафар ёр,
Барибир, авлодлар қилар номус, ор,
Аёл шоҳ бостириб кирибди, — дерлар, —
Аждодлар уйида бўлган “Зўр эрлар”.
Агарда дарёдан ўтсак жанг-чун биз,
Омад кулиб боқса, синса Тўмарис,
Юрти вайрон бўлар, халқи бўлар кул,

Қудратимиз ошар, яна бир омил:
Агарда енгилсак юрт қолар омон,
Дарёдан Тўмарис ўтмас биз тамон.
Бир ҳийла ўйладим: Массажет эли
Умуман шаробни тотмаган тили.
Биз дарёдан ўтиб бир кунлик йўлда
Тузоқ-чун дастурхон безаймиз чўлда.
Озроқ, кучсиз қушин қолдириб унда,
Пистирма қўямиз бу ойсиз тунда.
Дастурхонда бўза – шароб мўл бўлсин,
Маст душман қуршовда қирилсин, ўлсин.
Крезнинг бу гапи шоҳ Кирга маъқул,
Тўмарисга нома ёзиб деди ул:
«Ўқуздан ўтамиз, агарда сизлар
Уч кунлик масофа сақласангизлар».

Тўмарис ваъдада ортга чекинди,
Уч кун ўтган қирғин бошланган эди.
Кир дарёдан ўтиб бир кунлик йўлда
Тузоқ-чун дастурхон беади чўлда.
Икки рақиб тамон жангга киришди,
Куну тун жангчилар тинмай урушди.
Баҳодирлар устун келиб бу жангда,
Безалган дастурхон кўрдилар тонгда.
Дастурхон лиқ тўла эди таомга:
Бўза, шароб, ароқ... – қайғуга, ғамга.
Маст бўлиб йигитлар қилдилар базм,
Базммас – қилдилар макрга таъзим.
Пистирмада турган Кир келиб шу он
Кўпин асир олди, ҳамда тўқди қон.
Асирлар ичида Тўмарис ўғли –
Спирангиз бор эди, юраги чўғли.
Тўмарис ҳийладан бўлиб хабардор,
Кирга шундай сўзлар юборди такрор:
«Кир, қайтгин юртинга, қайтар ўғлимни,

Бўлмаса бошинга солгум ўлимни,
Учдан бир аскарим сен этдинг ҳалок,
Ҳалол бир жангдамас – мақрда, бироқ.
Кир, агар қанчалар қонхўр бўлсанг сен,
Албат, сени қонга тўйдирарман мен...»

Ҳушига келганда Тўмарис ўғли
Кўрди кишанланган оёғи, қўли:
– Оёқ қўлларимни бўшатинг, – деди,
Аскарлар кишандан бўшатган эди,
Тўсатдан бирининг олиб қуролин,
Ўлдирди-да, ўзин оқизди қонин –
Ўзини ўлдирди Тўмарис ўғли,
Шундай ҳалок бўлар номусли, орли.

Тўмарис отланди жангда зафар ёр,
Аммо Кир ҳам жуда ҳийлагар, айёр.
Аввал камончилар ишга киришди,
Ўқлар тугаб, секин яқин келишди,
“Ур-ҳо! Ур!” дейишиб найза, тўқмоқда,
Қилич, ханжар билан зўрни йиқмоққа
Ташландилар икки тамон шу замон,
Аслаҳа жаранги: оҳ, нола, фиғон...
Суворийлар жангда, кишнади отлар,
Калласиз чавондоз бўлди не зотлар,
Аёвсиз бу жангда оқди дарё қон,
Қочганлар бўлмади, шоҳ Кир берди жон.
Тўмарис бир мешни қонга тўлдириб,
Кейин Кир калласин узиб, юлдириб,
Ўша мешга Кирнинг бошини солди
Ва шундай сўзлари тарихда қолди:
«Қонхўр – Кир, дунёда тўймадинг қонга,
Мен сени тўйдирдим мана шу онда».
Массагетлар енгди – Туркий эл омон,
Истиқлол тўйғуси баланд ҳар замон.

ШИРОҚ

Улуғ аждодлар ҳақда билиш кўп савоб,
Широқ бобом изини қиламан тавоб.
Широқ ҳақда илк бора юнон Полиен
Ёзган, ўша асардан назм қилдим мен.
Широқ бўлган бир чўпон, қалби улуғвор,
Бундай чўпон бўлмаган тарихда такрор.
Широқ "Сак"лар элининг чўпони бўлган,
Доро кўшнини енгиб у, шараф-ла ўлган.
Доро бўлган Эроннинг енгилмас шоҳи,
Жуда кўплаб элларни қул қилган чоғи,
Нигоҳини қадади улуғ Туронга,
Ота Юртимиз қолди хавфли бир онда.

Турон эли тинч эди, саҳро эди кенг,
Ҳар уруғда бир подшоҳ – барча эди тенг:
Тўмарис ва Саксифар, Омарг – уч подшоҳ
Тўпландилар, хатардан бўлишиб огоҳ,
Мақсади: мағлуб этиш бу ёвуз ёвни,
Ўчириш бу Туронга тушган оловни.
Хатар улуғ: қарилар, гўдак, қўй-қўзин
Жўнатдилар бир тоққа, беришиб "тузин".
Қўлига қурол олди қолган эр, аёл,
Барчада бир ўй, хаёл: душманга заво!

Доро айғоқчилари билиб қолдилар,
Широқ чолнинг чорвасин тортиб олдилар.
Кекса чўпон – Широқнинг қўзиб алами,
Душманга қарши, дарҳол, тузиб ҳийлани,
Турон подшоҳларига келиб деди у:
– Мен бир макр ўйладим, йўқ бўлар қайғу.
Макрим: "Сотқин" бўламан Доро кўзига,
Омад келса қуламан "Сўнгги сўзига";
Душман аскарин алдаб кираман чўлга,

Сизлар эса юрингиз кўл тамон – сўлга.
Шартим: етти авлодим икромда бўлса,
Сиз кафолат берсангиз, ёвуз ёв сўлса...
Битим тузиб, кесди ўз кулоқ-бурнини,
Ўз элини чол Широқ олди ғамини.
“Вой-дод!” дея чодирдан югуриб чиқди,
Қонли юзини кўрган эл жуда кўрқди.

Доро қароргоҳига келиб йиғлади:
«Туркийларда ўчим бор, танам тиглади...».
Широқни келтирдилар Дорога шу он,
Доро деди: – Сен кимсан: инсон, ё ҳайвон?
Широқ дер: – Ўлар бўлдим, туркийлар урди,
– Дорога таслим бўлинг! – десам, қутурди.
Дедим: – Эрон аскарин аъло қуроли,
Кимда қурол зўр бўлса, кулар иқболи...
Шунда таним тилдилар, тепдилар, яна
Кулоқ-буруним кесдилар, аҳволим мана.
Қалбимда қасос қайнар, Туркий кўргонин
Мен биламан йўлини, айтаман сонин...
Синаб кўрди Широқни Доро бир кеча,
Айғоқчиси биларди, туркийлар неча?
Эртаси Доро деди: – Кўрсат йўлини,
Қул қиламан барчасин Турон элини!
Широқ деди: – Олингиз кўп озиқ-овқат,
Етти кунга етгулик, йўл узоқ, фақат.
Етти кунда етамиз ўша маконга,
Туркийларни тутамиз бир зум, бир онда.

Доро қўшини чиқди узоқ сафарга,
Сафаргамас – саҳрога, мудҳиш хатарга...
Саратонда саҳрода “чўғ” ҳар зарра қум,
Чексиз денгиз ҳайкали – қум уюм-уюм.
Етти кунда тугади: сув, озиқ-овқат...
Туркийлардан дарак йўқ, Широқ бор, фақат.

Доро деди: – Эй Широқ, туркийлар қайда?
Широқ деди: – Туркийлар бехатар жойда.
Туркийлардан бири – мен, аввал мени енг!
Саноғи йўқ элимни, бўлолмайсан тенг.
Атроф чўли Туркистон, етти кунлик йўл,
Сизга бўлар қабристон, қабрга жой мўл.
Босқинчиларга ўлим! Фолиб – бир ўзим!
Турон юрти – Ватаним, юмилар кўзим!

ЧОЛ ВА ШАЙТОН

Бир чол кеч қолиб қайтарди уйга,
Қўлида ҳасса, ботганди ўйга.
Тўсатдан йўлда тушди қоқилиб,
– Оллоҳга шукур! – деди у туриб,
– Қарибман чоғи, лекин соғ-омон
Турдим жойимдан, бўлмади ёмон.
Чол, бироз, давом этганди йўлда,
Яна суруниб, йиқилди сўлга.
– Оллоҳга шукур! – деди у туриб,
Ҳасса-ла чангин қоқаркан уриб,
– Бўлиши мумкин эди кўп ёмон,
Лекин жойимдан турдим соғ-омон.
Чироқ кўтарган бир йигит шу он
Чолни уйига етказди осон.
Уйга келгач чол қўлларин очди
“Фотиҳа” учун, лек йигит қочди.
Чол унга деди: – Дуо ол, болам!
Дуо кучи-ла бўлмас сенда ғам.
У дер: – Дуолар фойдасиз менга,
Одам бўлиб мен кўриндим сенга.
Сўрасанг, аслим, бўламан шайтон,
Нечун сўзимдан чол бўлдинг ҳайрон?
Чол унга деди: – Одамга ёрдам
Шайтон бермайди, ҳатто, бир қадам...
У дер: – Ҳозир ҳам ёрдам бермадим,
Ушбу ишимни холис қилмадим,
Чунки илк бора йиқилганингда,
“Оллоҳга шукур!” деб айтганингда,
Бор гуноҳингни Улуғ Ҳақ кечди,
Жаннат кулфларин сен учун ечди.

Иккинчи марта йиқилганинда,
«Оллоҳга шукур!» деб айтганинда,
Барча авлодинг гуноҳин Оллоҳ
Кечиб жаннатий этди-ку, э, воҳ!
Шунда мен, дарҳол, «ёрдам»га келдим,
Қоқилмасин чол яна бир, – дедим,
Балки яна бир йиқилган замон,
– «Шукурона!» айтсанг, Оллоҳ меҳрибон,
Жаннатий этса башарни бутун,
Якка дўзахий бўлишим мумкин.

БУКРИ ВА ЧҶЛОҚ

Бир букри кеч қолибди, овлоқ экан йўл,
Қўлга таёқ олибди, ўйлаб хатар мўл.
Йўлда бор бир қабристон: эски, хароба,
Тун ҳам экан зимистон, букри дер: “Тавба!..”
Тўққиллатиб таёғин, борар эди у,
Йўл чексиз чўзиларди, ғолиб ғам, қайғу.
Орқа томондан шу дам деди бир нидо:
– Букримисан, эй инсон, тилинга Худо...
Ортга қарамай, ғамгин, букри дер: – Ўлдим...
Нидо деди: – Қўрқмагин, сен тўғри бўлдинг.
Югуриб кетди, роса, қўрқувда букри,
Уйга келиб, қараса, қомати тўғри.
Қишлоқда бор бир чўлоқ, қўполсўз киши,
Биларди бутун қишлоқ тўғримас иши.
Қўшнисин қувончидан у топиб хабар,
Куйиб кетди ичидан, етилди хатар.
Қуёш ботгач қабристон томонга олис,
Эски чопонни кийиб борди у ёлғиз.
Орқа томондан шу дам деди бир нидо:
– Букирмисан, нечун, сен демайсан Худо?..
Чўлоқ деди: – Кўрмисан? Қоматим тўғри . . .
Нидо деди: – Зўрмисан! Сен бўлдинг букри.
Чўлоқ чарчабди, роса, келмай омади,
Уйга келиб, қараса, букри қомати.
Камтар букрига камол, у топди шифо,
Золим чўлоққа завол, у тотди жафо.

ҲУНАРГА МЕҲР

Бир қишлоқда бор эди моҳир кўзагар,
Бозори чаққон эди кўзалари зар.
Бир кун бир ўсмир келиб деди: – Бобожон,
Сизга шогирд керакми, ҳар доим чаққон?
Кулол деди: – Келақол, керақдир савоб,
Ким-ки ҳунарли бўлса тотмайди азоб.
Устоз – шогирд тутинди бобо ҳам ўсмир,
Ҳар бир кўзада қуёш минг жилва қилур.
Оташ кулолтандирда, унум – самара,
Лекин шогирд тандирга йўллар кун ора.
Йиллар ўтиб, улғайиб шогирд дер: – Устоз,
Менга “Фотиҳа” беринг, амалларим соз.
Устози дер: – Шошмагин, сабр қил бироз,
“Сабр – сариқ олтиндир”, сенда ҳунар оз.
Шогирд шошди, устозин қўймади қистаб,
– Оқ йўл! – деди устози, ҳаёт – зўр мактаб.
Шогирд шошиб бозорда бир дўкон очди,
Харидорни чорлади, лек барча қочди.
Икки кулол дўкони бўлди ёнма-ён,
Лекин катта кулолнинг савдоси чаққон.
Кичик кулол туну кун тинмай ишлайди,
Аммо жило беролмай бошин қашлайди.
Шогирд касодга учраб, устозга келди,
– Устоз, мен ёшлиқ қилдим, кечиринг, – деди.
Устоз деди: – Келақол, керақдир савоб,
Навбат лойдан тандирга, тандирдан ол тоб!
Шогирд “Кирди тандирга”, тобланар кўза,
Устоз бир “пуф”лаб, гўё олади бўса...
Кўзаларда минг жило, савдода унум,
Устоз-шогирд бир зум ҳам билмайди тиним.
Кўзаларнинг қиймати: кумуш, тилла, зар...
Пул жаранги шогирдда ҳасад уйғотар.

Кичик кулол ўйлайди: «Ишим мукаммал,
Энди мен ҳам ўзимча қиламан амал».
Шогирд шунда устозга деди: – Эй устоз,
Менга “Фотиҳа” беринг, ишим бўлди соз.
Устоз деди: – Сен шошма, сабр қил бироз,
Бозор – пулни ўйлама! Сенда ҳунар оз.
Пулга қизиқиб шогирд бир дўкон очди,
Лек харидор бўлмади, бори ҳам қочди.
Яна ўша муаммо: Кўзада йўқ нур,
Шогирд куйинар, аммо сир кўзада кир.
Катта кулол кўзасин “ёнар савдоси”,
Кичик кулол савдосин кўпдир ғавғоси.
Кичик кулол ноилож каттага келди,
– Устоз, нодон шогирдни кечиринг! – деди.
Устоз деди: – Келақол, керақдир савоб,
Ҳунарга меҳр қўйсанг, тотмассан азоб.
Устоз-шогирд ҳамжихат кўзалар ясар,
Ҳар кўзада минг қуёш, ҳар кўза асар.
Бир кун устоз шогирдга деди: – Ўзинг ҳам
Мустақил бўл, ҳунаринг энди эмас кам!
Шогирд деди: – Устозим, кўзаларга сир
Беришни мен билмайман, сирим чиқар кир.
– Сен “пуф”лашни билмадинг пишганда кўза,
Тандирдаги чўғ кули кўринмас кўзга.
Кул устидан сирладинг пайдо бўлди кир,
Айтмадим бу ҳунарга қўйсин, деб, меҳр,
Менинг кўзам жилоси шунинг-чун ҳал-ҳал,
Шундан сенинг кўзангни жилоси касал,
– Дея, устоз шогирдга “Фотиҳа” берди,
Шогирд устозга шунда: – Кўп раҳмат! – деди.
Устоз – шогирд дўкони бозорда қатор,
Кўзаларнинг жилоси кўзни қувнатар.
Шу дўконлар биридан мен кўза олдим,
Ҳунарга меҳр сирин шогирддан билдим.

ХУСРАВИ ПАРВЕЗ ВА БАЛИҚЧИ

Подшоҳ Хусрави Парвез балиқни хуш кўрарди,
Буни аъёнлар, яна бир балиқчи биларди.
Хотини Ширин билан подшоҳ бир кун чорбоғда
Дам оларди, балиқчи бир балиқни қармоқда
Олиб келиб подшоҳни олдиға қўйган эди,
Подшоҳ хазиначини чақириб унга деди:
– Балиқчига балиқ-чун бер тўрт минг тилла танга!
Хазиначи тиллани келтириб берди унга.
Балиқчи тиллаларни олиб, дарҳол, жўнади,
Лекин Малика Ширин шоҳдан шу он сўради:
– Нечун сиз балиқчига тўрт минг тилла бердингиз?
Бошқа одамларға ҳам шунча тилла берсангиз,
Гап қилишар: «Бизларни балиқчига кўрди тенг:
Бермасангиз, ўйлашар: «Балиқчидек кўрмадинг...»
Қайтаринг балиқчини ва балиқ жинсин билинг!
Балиғим эркак, деса, модасин талаб қилинг!
Балиғим мода, деса, эркаги керак бизга,
– Дея, баҳона қилинг! Пулингиз қайтар сизга.
Шоҳ балиқчидан балиқ жинсин сўраган эди,
Зукко балиқчи шунда: «Балиқ – хунаса» деди.
Қойил қолиб, шоҳ унга берди яна тўрт минг пул,
Балиқчи таъзим қилиб, уйға қараб олди йўл.
Дарвозаға етганда бир тилла тушиб қолди,
Тиллани кўзга суриб балиқчи шу он олди.
Малика шоҳға шу пайт деди: – Бу одам – очкўз,
Марҳамат қилманг унга! Арзимаиди у сўзсиз.
Шоҳ дарҳол балиқчини қайтарди, қаҳри келди...
Шунда шоҳға балиқчи жавобан шундай деди:
– Суръатингиз тангада, тушди оёқ остига,
Олиб тавоб қилдим мен, суриб кўзим устига.
Шоҳ қойил қолиб яна, унга тўрт минг пул берди,
Фаросат-ла бир балиқ ўн икки минг пул бўлди.

САҲРОЙИ ВА МАДҲИЙ

Араб подшоҳи Мадҳий чиқибди овга,
Омади келмай овда, келди ўтовга.
Подшоҳнинг навкарлари адашиб қолди,
Саҳрога зулмат чўқди, мезбон жой солди.
Подшоҳ деди: — Ниманг бор? Келтир, қорним оч!
Мезбон саҳройи эди, эди ялонғоч.
У меҳмонга келтирди талқон ва пишлоқ,
Подшоҳ “паққос” туширди, тўймади бироқ.
Подшоҳ мезбонга деди: — Ниманг бор яна?
Мезбон деди: — Майим бор бир кўза, мана...
Шоҳ бир коса май ичиб деди: — Мен кимман?
Саҳройи дер: — Билмадим, мен бир чўпонман...
У дер: — Мен, шоҳ Мадҳийнинг хос мулозими...
Саҳройи дер: — Эҳтимол, мулозим озми?
Шоҳ яна май ичиб дер: — Мени танирсан?
Саҳройи дер: — Кечиринг, бир авом бўлсам...
У дер: — Мен, шоҳ Мадҳийнинг бош қўмондони...
Саҳройи дер: — Авф этинг, мен бир чўпони...
Яна май ичиб подшоҳ деди: — Мен кимман?
Мезбон дер: — Маъзур тутинг, саҳройи жонман...
У дер: — Мен, шоҳ Мадҳийман, подшоҳинг сенинг...
Саҳройи дер: — Тоқатим тоқ бўлди менинг,
Мулозимман, деб, ичдинг, кейин — қўмондон,
Энди подшоҳман, дейсан, дилим қилиб қон.
Агар яна бир коса майдан ичсанг сен,
Алжирарсан: «Пайғамбар бўлдим бугун мен»,
Шундай дея саҳройи кўзасин олди,
Подшоҳнинг кайфи тарқаб ўйланиб қолди.

ҲОТАМТОЙ ҲИММАТИ

Ҳотамтойдан тарихда “Сахий” деган ном қолган,
Ҳотам ўлгач, кенжатой ўрнин олмоқчи бўлган,
Кенжатойга она дер: – Сахий бўлолмайсан сен,
Улуғ қалби бор эди акангни, билардим мен.
Ҳотамтойти укаси: – Сахий бўламан! – деди,
Синамоқ учун ўғлин она сир сақлар эди.
Бир гумбази бор эди Ҳотамтоининг қурдирган,
Туйниги бор етмишта, қўл суқиш-чун ўйдирган.
Шу гумбазни ичида ёлғиз бўлар Ҳотамтой,
Қўл чўзганга туйниқдан берарди: пул, нон, ё чой...
Шу гумбазга ука ҳам кириб ўтирган замон,
Туйнуқлардан онаси қўл узатди ўша он.
Ҳотамтойти укаси англаб қолди, битта қўл
Такрор уч марта келди, чой-чақа олса ҳам мўл.
У катта кесак солди бу қўл тўрт бор келганда,
Шунда она ўғлига деди қаттиқ армонда:
– Ҳотамни синаш учун етмиш туйнуқдан мен қўл
Такрор солдим, қўлларим чиқди чой-чақага мўл.
Сахий эмаслигингни гўдак чоғинг билардим;
Сийнам бирин эмганда бирин ушлаб олардинг.
Гар аканга сут берсам сийнамни олмасди тез,
Ҳотамдаги сахийлик маълум эди ўша кез.

ДАМОКЛ ҚИЛИЧИ

Подшоҳ Дионисейнинг арзандаси бор эди,
Исми Дамокл бўлиб: – Сизга қойилман, – дерди,
– Бир кунгина мен ҳам шоҳ бўлсам, қолмас армоним,
Маликалар парвона, бажарилса фармоним...
Дионисей шоҳ шунда арзандасин сийлади,
Дамоклни бир кунга шоҳ қилишни ўйлади;
Тож кийдириб бошига, дастурхонга шаҳона
Келтирдилар, канизлар тунда бўлди парвона.
У тонг – саҳар кўзини кайфи тарқаб очган чоғ,
Ўткир қилич осигʻлиқ кўрди устида, бироқ.
Оғир қилич осилган от думининг қилига,
Узилса Дамоклнинг сўзи қолар тилида.
Шоҳга деди арзанда: – Англатгин қилич сири...
Дамоклга деди шоҳ: – Тахтда хатар яширин,
Одамларда бир қайғу, меҳнат қилар нон учун,
Подшоҳларнинг туну кун қайғуси кўп жон учун.

ЯСАВУЛЛАР КАЛТАГИ

Шоҳ Хорун ар-Рашиднинг дўсти бўлган шайх Баҳлил,
Икков гоҳо қиларкан дунё ишларин таҳлил.
Бир куни шайх саройга келса дўсти йўқ экан,
Ўтириб шоҳ тахтида: «Бироз чарчабман...» деган.
Ясовул кўриб қолиб, шайхни пастга ундади,
Бироқ шайх Баҳлил, ҳаргиз, дўст тахтидан турмади.
Тўрт-беш ясовул шунда шайхни «Қонга белади»,
Шоҳ Хорун хабар топиб шайхдан аҳвол сўради:
– Дўстим, не бўлди сенга, қош-қавоғинг қизил қон?
Шайх дер: – Шоҳнинг тахтида мен ўтирдим лаҳза, он.
«Тож тоши» оғир экан, дардли сўзинг, саволинг,
Дўстим, кўп бўлди сенга, қандай сени аҳволинг?

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ НАСИҲАТЛАРИ

Луқмон ҳаким куни битгач, чорлаб ёнига ўғлин,
Учта насиҳатин айтди, ўлимга эгиб бўйнин.
Насиҳатим бири деди: – Сиринг айтма аёлга,
Қанча севсанг севгин, майли, лекин сақла хаёлда!
Иккинчиси қарз олмагин хасис, нодон, нокасдан!
Энг ноқулай фурсатда у ёпишади бехосдан.
Насиҳатим учинчиси миршабни дўст демагин,
Аввал – охир дўст чиқмаган, сўнг надомат емагин!
Луқмон ҳаким шундай дея, юмди очиқ кўзини,
“Ла илаҳа иллоллоҳ...” деб, унутганди ўзини.
Ўғил ўйлар: «Отам нечун учта айтди насиҳат,
Келинидан хафамиди? Синаб кўраман албат».
Бозорда у бир қўй сўйиб, катта қопга жойлади,
Эшагига мина туриб, қоп оғзини боғлади.
Уйга келса хотин сўрар: – Бу қоп нечун қип-қизил?
Луқмон ўғли хотинига ноўрин қилди ҳазил.
У деди: – Бу қопга солдим битта одам танасин,
Кўпдан бери душман бизга, бу кун кўрди “энасин...”
Шундай дея қопни кўмди, ҳовлининг бир четига.
Хотин учун сир бўлсин, деб, бир тош қўйди бетига.
Бир нокасдан қарз олди у, миршаб билан дўстлашди,
Отасини ўғитларин унутганди – пастлашди.
Жанжал чиқди оилада, аёли уввос солди:
Сен қотили бир одамнинг, мени ўлмоғим қолди...
Қўни-қўшни хабар топиб, етказдилар ҳоқимга.
– Тутиб келинг! – деди ҳоқим, – жазо бераман унга.
Луқмон ҳаким ўғлин миршаб, дарҳол, ҳибсга олди.
Бу ҳол ота ўғитларин ўғлин эсига солди.
Ўғил деди: – Миршаб, дўстим, сени келар кўлингдан,
Қўйиб юбор, мен қочаман, асраб қолгин ўлимдан.
Шу он пайдо бўлди нокас, тутди маҳкам ёқадан,
– Пулларимни қайтар! – дея, тепиб борди орқадан.

Элтди ҳоким ҳузурига учта ғаним бирлашиб:
Миршаб, нокас, яна хотин қарғар уни энгашиб.
Луқмон ҳаким ўғлин ҳоким қаттиқ тутди саволга,
Ўғил эса этди баён қолганини заволга ...
Келтирдилар қопни, очса, кўрдилар қўй танасин.
Нокас, миршаб ҳамда хотин, дарҳол, айтди товбасин.
Жуфти ҳалолингизга, дўст, ноўрин қилманг ҳазил,
Иўлдош Баҳрин, баён этдинг, охири бўлмасин зил!

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

Бир подшоҳ туш кўрди уч кун устма-уст,
 Тушдан беҳол бўлди, уйқу бўлиб суст.
 Мунажжимларга у туш этиб баён,
 Сўрабди: – Бу тушдан нималар аён?
 Юлдузларга ҳафта қараб, кенгашиб,
 Мунажжимлар сафда дебди энгашиб:
 – Шоҳ ўлмай қолади, ёлғиз бир ўзи,
 Ўғил-қизи ўлар, – юмилар кўзи...
 Мунажжимларга шоҳ фармони: – Қатл!
 Бир мунажжим огоҳ бўлиб, хуноб дил,
 Шоҳга келиб деди: – Беринг ижозат!
 Юлдузлар жой олди уйғун – саодат.
 Шоҳ берибди рухсат фақат бир тунга,
 Фаросат ишлатди мунажжим бунда.
 У деди: – Улуғ шоҳ, умрингиз узун,
 Қиёсим: тоғда боғ, тоғ доим бутун.
 Бу мунажжим сўзин маъноси ҳам шу,
 Лек жам сўзда хусун – хайрихоҳ туйғу.
 Мунажжим бу гапи подшоҳга маъқул,
 Донишликнинг тафти шодлабди кўнгил.
 Берибди олтин, зар мунажжимга шоҳ.
 Назмимда ҳикмат бор, сен сўзла огоҳ,
 Гапларинг хайрихоҳ мақомда бўлсин,
 Уларда ғайрихоҳ туйғулар ўлсин!

СУЛТОН МАҲМУД ВА БЕРУНИЙ

Султон Маҳмуд бир куни мўъжизалар бобида
Олимлар билан мажлис қилди сарой боғида.
Берунийни синашчун дер: – Фикрингни баён қил!
Тўрт эшик бор хонамда, қайсидан чиқаман? Бил!
Ҳисоб-китоб-ла олим машғул бўлиб бироз вақт,
Фикрин ёзиб қоғозга, сўнг султонга тутди хат.
Маҳмуд хатни ўқимай, кўрпа тагига қўйди,
Кейин уста чақириб, девордан эшик ўйди.
Янги эшикдан чиқиб, қайтиб кириб ўша он,
Хатни олиб ўқиди ва бўлди лолу хайрон.
Хатда ёзилган эди: “Оллоҳ хоҳласа, гар, сиз
Бешинчи эшик очиб ўша жойдан чиқасиз”.
Уламолар мажлисда Берунийни қутлади,
Султоннинг қаҳри келди, юрак-бағрин дудлади.
Соқчиларга у деди: – Берунийни ушланглар!
Чиқиб сарой томига баланд жойдан ташланглар!
Берунийни ташлади, кўзин боғлаб қасдига,
Лек улуғ олим тушди кенг соябон устига.
Бироз, олдин шум султон қурган эди соябон,
Беруний унга тушиб қолган эди соғ-омон.
Олимини келтирдилар, султон дер: – Қандай ҳолинг?
Хатарни билармидинг? Билсанг, кўрсат исботинг!
Ғуломига Беруний: – Дафтарни келтир! – деди,
Берунийга ғуломи дафтар келтириб берди.
Беруний бир варағин юлиб султонга тутди,
Ёзувни ўқиб султон адоватин унутди.
Шундай сўзлар бор эди оппоқ қоғоз юзида:
“Мен икки синаламан бир мажлиснинг ўзида...
Ўша куни ташлайди мени сарой тоmidан,
Аммо омон қоламан мен қабоҳат домидан”.
Мўъжизалар калити, билсанг, бўлар билимда,
Қунт билан ўрган билим, бахт гарови йўлингда!

ДЎСТЛАР ГУРУНГИ

Синфдошлар йиғилиб суҳбатлашар ҳар замон,
 Суҳбат мавзуси ҳар хил, “Ҳақиқат” ҳақда бу он.
 Даврада ҳозир эди: деҳқон, врач, санъаткор,
 Ҳуқуқшунос, бир ҳарбий, ҳамда, албат, савдогар.
 Ҳар ким ҳақиқат ҳақда сўз деди бирин-бирин,
 Ғанимат билиб деҳқон дилдаги тўқди сирийн:
 Сизлар “Ҳақиқат” дейсиз, обрў, лавозим сизда,
 Лекин барча эгилар дастурхонга шу кезде.
 Дастурхондаги неъмат – “пешона тери” деҳқон,
 Энг ҳалол касб деҳқонда, “ёлғон кўтармас кетмон”.
 Дастурхонга таъзимингиз деҳқон, боғбонга таъзим,
 Бир ривоят айтаман, тингланг, ибратли сўзим...

Шоҳ ва боғбон ҳақида ривоят

Анушервон шоҳ бир кун чиққанди овға,
 Бир чол ёнғоқ экканин кўрганди тоғда.
 Боғбонга подшоҳ деди: – Чол бўлсанг ўзинг,
 Бу ёнғоқлар ҳосилин кўрарми кўзинг?
 Чол дер: – Оталар экди биз учун ёнғоқ,
 Энди бизлардан қолсин келажакка боғ.
 Шоҳ дер дониш боғбонга: – Қойилман сенга!
 Тўрт юз тилла берибди мулозим унга.
 Кимга «Қойилман!» деса Анушервон гар,
 Мулозими бераркан тўрт юз тилла – зар.
 Боғбон подшоҳга деди: – Ҳеч боғбон боғи
 Шунча тез, ҳам кўп ҳосил бермаган чоғи...
 Боғбон сўзига шоҳ дер: – Қойилман, эй зот!!
 Мулозими тўрт юз зар берди шу заҳот.
 Чол дер: – Шоҳнинг назари муборак ҳар он,
 Бир йилда икки ҳосил олдим шу замон.
 Донишмандга шоҳ деди: – Қойилман, яна!!!
 Мулозими тўрт юз зар бериб, дер: – Сана!

Врач сабри тугаб деди: – Менга ҳам беринг навбат,
Деҳқон жўрамиз дейди: – Ҳалол касб менда, фақат...
Маҳсулотин сифатин ёлғиз Худо билади,
Кимёвий ўғит заҳри соғни касал қилади.
Гар ривоятни, десак, у тарихда бир бўлган,
Анушервон пайтида кимёвий ўғит бўлмаган.
Энг тўғри касб бизники, врач адашади бир,
Соғлик сақлаш – ишимиз, бизда бўлмас бошқа сир.
Инсон саломат бўлса, албат, излар Ҳақиқат,
Гар соғ бўлса ҳарбийлар, қудратли бўлар давлат...

Ҳарбийдан вакил деди: – Шифокор адашар бир,
Гар шифокор адашса, бемор ўлми бўлар сир.
Аммо сапёр адашса, ўзини қилар қурбон,
Разведкачи адашса, қурбон кўп бўлар, чунон.
Ҳақиқат учун бизлар хизмат қиламиз ҳар он,
Тинчлик бўлмаган жойда, авжига чиқар ёлғон.

– Бозор бирлаштиради дунё халқларини жам.
Ҳақиқат учун хизмат қилар савдогарлар ҳам,
– Деб савдогар гапини бошлади, – тўрт тамондан
Етказамиз маҳсулот бизлар қадим замондан.
Шарқу ғарбни боғлаган “Ипак йўли” қадимда...
Ҳарбий дўстим, эътироз: – Текширув ҳар қадамда,
Чегаралар йўқ бўлса, бўлса аҳл барча халқ,
Ҳарбийга иш қолмаса, уруш бўлмаса абад.

– Қадимда эллар аро бўлган савдо карвони,
Шаҳарлар аро йўлни солган туя товони,
Энг биринчи жосуслар савдогарлардан бўлган,
Сири фош бўлганлари бу йўлларда кўп ўлган,
– Деб гапини бошлади ҳуқуқшунос, – Мен фақат
Бир ҳикоят айтаман, тарих тарҳидан ҳикмат...

Амир Темур ва Боязид

Халқ ичида мақол бор, узоқ ўтмишдан қолган:
“Гадо душмани – гадо, шоҳ душмани – шоҳ бўлган”.
Амир Темур бобомиз шоҳ бўлиб кўплаб зафар
Қучган, шундай зафарлар бирида бор бу хабар:
Рум элин шаҳаншоҳи бўлган Боязид султон,
Амир Темур билан у душман бўлган ўша он.
Буюк қонли жанг бўлган икки шаҳаншоҳ ора,
Шоҳ Боязид енгилган иложсиз, топмай чора.
Икки ҳукмдор кейин қилган шундай мулоқот;
Боязид дер: – Темур, сен келтирдинг динга офат,
Ислом дунёсин бошин танидан жудо этдинг,
Сен менимас, бу жангда дин йўлини мавҳ этдинг.
Киргизардим Исломга бутун Европани мен,
Тарих ортга қайтмайди, катта хато қилдинг сен.
Шунда индамай, кулди бобомиз Соҳибқирон,
Боязид – Рум султони унга деди ўша он:
– Бу кун кулди иқболинг, устимдан сен куласан,
Мен ҳам сендек шоҳ эдим, сен ҳам, балки, “кўрасан...”
Кейин Темур бобомиз қилди унга илтифот,
У ўз ажали билан сафарда этди вафот.
Европада кўп давлат билан Темур давлати
Алоқалар ўрнатди, ўрнатди бизга ибрати.
“Ислом дини”н маъноси – “Бўйсиниш йўли” бўлар,
Европада ҳам халқлар ёлғиз Ҳаққа бўйсинар.

– Санъаткор ҳам сўзласин, – деди даврада барча,
Санъаткор дер: – Менда сўз йиғилиб қолди анча;
Ҳақиқат ҳақда мен ҳам назм этдим ривоят,
Сукротнинг сўнги сўзи жаранглайди то абад...

Сукрот

Сукротни дор тағига жаллод келтирган замон,
Халқ ичидан бир аёл йиғлаб деди ўша он:
– Наҳот, сендай гуноҳсиз кишини қилса қатл?
Сукрот деди: – Азизам, озроқ юритгин ақл,
Наҳот, сени истагинг, мен қилсам бирор гуноҳ,
Ўлсам ўша гуноҳ-чун, эл бўлса бундан огоҳ.

Энди, бироз, кулдирсам, битгандим юмор – назм,
Кулгу ёшга қўшар ёш, таомни қилар ҳазм...

Ўхшашлик

Хуросонда бир ҳоким – Халаф бор эди,
Унга «Сизга ўхшаш бир киши бор» деди.
Халаф уни чақириб сўради: – Онанг
Чайқовчи бўлиб бизда юрганми ҳар дам?
У деди: – Онам эшик чиқмаган ҳатлаб,
Аммо саройда отам "юрган" ҳафталаб.
Қиш кунлари саройда ўтинчи бўлган,
Совуқ тунлар ўчоққа у ўтин солган.

Вазирнинг иймони

«Элингда бир пайғамбар пайдо бўлди» деб
Бир подшоҳга вазири хабар берибди.
Подшоҳ ўша одамни ёнига чорлаб,
– Бизга бирор мўъжиза кўрсатгин! – дебди.
– Мўъжиза-чун, – дебди у, – керакдир мурда,
Подшоҳ шу он бир қилич берибди унга.
У дебди: – Улуғ шоҳим, шу вазирни, гар
Қалласин узиб, қайта қўйсам тирилар.
Вазирига шоҳ дебди: – Нима дейсан, сен?

Вазири дер: – Келтирдим унга иймон мен.
Шу пайт қўшни столдан файласуф – Йўлдош Баҳрин
Даврага келиб деди: – Савол жавоби қийин;
Ҳақиқат ҳақда барча айтди ўзининг сўзин,
Ёритмади лек ҳеч ким, асл ҳақиқат юзин.
Ҳақиқатнинг меъзони – Раҳмон ризоси бўлар,
Ҳақ рози бўлган ишда шайтон сазаси ўлар,
Ҳақ – Оллоҳ ризосида ризққа лойиқ ҳамманинг
Улуши бор, гар билсанг: менинг, сенинг, ҳам унинг...
Раҳмон ризоси учун яшанг, ишланг, ҳар доим,
Одил бўлинг! Одилга ёр иқболи Худойим.
Ёлғиз Ҳақда гуноҳ йўқ, Шайтонда эса – савоб,
Инсон барча иши-чун, муқаррар, берар жавоб.

ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН

Дидактик бадиҳа

Муқаддима

*Дунё кўрган кўп шаҳаншоҳ, тарихдан аён,
Бири Искандар Зулқарнай, забт этган жаҳон.
Устози: Арасту бўлган, файласуф улуғ,
Шу кунгача китобларин ўқиймиз, – қутлуғ.
Кимга Оллоҳ насиб этса бир буюк устоз,
Шогирдининг амаллари ривож топар соз.
Искандар ҳам Арастудан олди кўп ўғит,
Минг йилликлар ичра кўпи бўлгандир унут.
Баъзисини назм этдим, бадиҳа яна,
Тилла – зарга тенг бўлмаган хазина, мана!*

Назмим ҳикматин олдим устозларимдан:
Навоий ҳамда Жомий – мумтозларимдан,
Ҳавофий ҳамда Маждий, Хожа, ҳам Қози,
Абул Фароҳ, ҳам Авфий, – Ҳақ бўлсин рози.
Форсга қилган жанговор юришидан шох
Страбон, Руф Квинт Курций этади огоҳ.
Барчаси мадад бўлди ижод йўлимда,
Ҳақ Оллоҳим қаламим тутди қўлимга.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Устоз ва шогирд

Филипп иккинчи бўлган Македон шоҳи,
 Арасту – Филипп шоҳнинг ёшлик ўртоғи.
 Шаҳзода Искандарга Арасту устоз,
 Фалсафани ўргатган, ўғит берган соз.
 Қуйида баён этдим улар суҳбатин,
 Бирга баҳам кўриш-чун ҳикматлар тотин.
 Арасту шаҳзодага дер: – Умри азиз,
 Руҳ ва тана ҳақида нима биларсиз?
 Искандар ўйга толди, устоз унга дер:
 – Данақда мағиз, пўстлоқ бор, эътибор бер!
 Мағзини гар руҳ, десак, пўстлогин тана,
 Мағиз пўстлоқ ичида гуё дурдона.
 Гар биз данакни чақиб, мағзини эхсак,
 Ундан ниҳол унмайди, ҳар қанча қилсак.
 Руҳ учун тана, гуё мустаҳкам кўрғон,
 Гар кўрғонга дарз кетса, руҳ бўлмас омон.
 Руҳинг камоли учун тананг бўлсин соғ,
 Гар парвариш қилинса мева берар боғ.
 Устозга дер Искандар: – Бу қандай ҳикмат,
 Инсонда икки кулоқ, тил битта фақат?
 Арасту дер: – Кўп тинглаб, кам сўзлаш учун.
 Шогирд деди: – Тил нима? Англатинг кучин!
 Устоз деди: – Тил – қилич, бир қинда турар,
 Қаҳр-ла қиндан чиқса ҳаёт сўндираар.
 – Эл назарга илмаган фазилат, устоз,
 Нима бўлади? Айтинг, билсам бўлар соз.
 Арасту дер: – Камтарлик – фазилат шоҳи,
 Инсон зотин “Манман..!”лик, ҳар доим, чоҳи.
 Яна шогирд устоздан сўради: – Устоз,
 Дарвеш, шоҳлар, фуқаро... фарқин билсам соз.

Устоз деди: – Фуқаро шоҳнинг майлида,
Лек дарвешлар, ҳар доим, кўнгил сайлида,
Ўн дарвеш бир гиламга сиғар аҳил – жам,
Икки шоҳга бир ўлка, мудом, бўлган кам.

Искандар яна деди: – Кимлар бахтиёр,
Қандай инсонда кўпроқ бахту иқбол бор?
– Йиғи билан келади дунёга инсон,
Агар у кулиб турса кетар бўлган он,
Ўзидан у қолдирса ортида кенг йўл,
Бу йўлда зиё бўлса авлодларга мўл.
“Оллоҳим, бахтимизсан”, деб юрса ҳар дам,
– дер Арасту, – бахтиёр бўлади одам.
Арасту Искандарга деди: – Фикр қил,
Аҳмоқ ила сўқирнинг фарқи нима, бил!
Искандар ўйда қолди, устози шу он:
– Сўқир тунни сезмайди, – дер, – аҳмоқ – ёлғон.

Арастуга шогирд дер: – Айтинг-чи, устоз,
Одамлардан фарқингиз билсам, бўлар соз!
Арасту дер: – Мен фақат яшаш-чун ейман,
Кўп одамлар ейиш-чун яшайди, – дейман.
Яна устози деди: – Одамлар қизиқ,
Давлати қўлдан кетса бўлар қаттиқ зик,
Умри бекор ўтганга қилмайди парво,
Умрининг ҳар лаҳзаси олтиндан аъло.
Искандар дер: – “Фалончи” – бир бахил одам,
Хуноб бўлиб юради нечун у ҳар дам?
Устоз деди: – Бахилда қўшалоқ қайғу,
Омадсизлиги унга бермайди уйку,
Яна ўзга омадин бахил кўролмас,
У шунинг-чун ҳеч қачон яйраб юролмас.

Ўзин исмин Искандар хато ёзибди,
Қулоғидан устози қаттиқ чўзибди.

Шогирди устозига дебди: – Ҳатто от
Қоқилиши мумкин-ку, қийнайсиз, наҳот!
– От қоқилса қамчи-ла уришар уни.
– От тепиши, – шогирд дер, – мумкин бир куни...
Ўшанда маълум эди феъли Искандар,
Ўдақда жасоратдан бор эди асар.

Искандарга Арасту деди: – Эй азиз,
Сенга кўплаб воқеа айтаман ҳар кез.
Ҳар бирида ҳикмат бор, тафаккур қилгин,
Керак бўлар ҳаётда, унутма, билгин!

Устозим Афлотунга деди бир одам:
– Сизни жуда мақтайди фалончи ҳар дам...
Шунда Афлотун қаттиқ хаёлга толди,
Узоқ – яқин кунларин хотирлаб қолди.
Сухбатдоши сўради: – Нима учун, сиз,
Бошингиз эгик ҳолда, қотиб қолдингиз?
Устозим унга деди: – Шу он ўтмишим
Кўз олдимдан ўтади: сўзим, ҳар ишим...
Қаерда ва қай замон аҳмоқлик қилдим,
Фалончи мақтовларин андиша билдим.
Аҳмоқлик қилганларни мақтайди аҳмоқ,
Аҳмоқлар мақтовидан калтак яхшироқ.

Афлотунга бердилар шундай бир савол:
Қулфатда қолса одам, танглашса аҳвол,
Ўзин қандай юпатиш чораси бўлар?
Афлотун дер: – Файласуф тақдирдан кулар,
У билади, ҳаётда тасодифлар йўқ,
Қувонч – қайғу ўткинчи, шундан кўнгли тўқ.
Аҳмоқ эса ўйлайди: «Ўзгаларда ҳам
Бўлиши мумкин эди, худди, шундай ғам».

Сукрот хурсанд юрарди ҳамиша, ҳар дам,
Ундан сўрашди: – Нечун сиз билмайсиз ғам?
Сукрот дер: – Сақламайман ортиқча нарса,
Хафа бўлиб юрмас-чун агар йўқолса.

Сукрот бир бадавлат-ла бораркан чўлда,
– Қароқчилар бор, – дебди бир киши, – йўлда...
Бой дебди: – Таниб қолса нобуд бўламан,
Сукрот дер: – Танимаса нима қиламан?

Пифагорнинг бор эди узугида кўз,
Ўша кўзга чекилган эди шундай сўз:
“Бир лаҳзалик омаддан яхшироқ минг бор,
Омадсизлик бир лаҳза”, бунга йўқ инкор.

Букрот саройни ташлаб, узлатга чиқиб,
Ўткинчи бу дунёдан этагин қоқиб,
Тоғда яшай бошлади, ғорда бир ўзи,
Ўт-ўланлар, илдизлар бўлди ризқ-рўзи.
Саройда шоҳ оғир бир дардга чалинди,
Табиб Букротнинг ўрни шунда билинди.
Шоҳ вазирин жўнатди табиб-чун дарҳол,
Вазир деди: – Шоҳ бетоб, Букрот, юрақол!
Букрот деди: – Саройдан “ювганман қўлим”,
Энди менинг ягона мақсадим: Илм.
Шунда вазир масхара қилиб унга дер:
– Саройда илдиз учун ковламасдинг ер.
Букрот дер: – Уддаласанг илдиз ейишни,
Эп кўрмасдинг саройда бир зум туришни.

Чанқоқ бола ҳовучда сув ичган экан,
Пиёласин синдириб Диоген деган:
– У оддийлик ўргатди мендек олимга,
Пиёлани олмайман, энди, қўлимга.

Эл аро кенг тарқалган қадимдан мақол:
 Қабристонга бориб тур: қайғуда, хушҳол...
 Сен у ерда англайсан лаҳза қадрини,
 Сукунатнинг қудратин, Тангри амрини.
 Бир куни қабристонга донишманд бориб,
 Шогирди-ла ўтириб, хаёлга толиб,
 – Ана у қабрдаги, – деди донишманд,
 – Бир кун ҳам умр кўрмай бўлган чоҳга банд.
 Шогирди дер: – Устозим, қилдингиз хато,
 Мармартошдаги ёзув ўзгача, ҳатто.
 У тўқсон йил яшабди, қариб, қартайиб
 Кейин қайтиш қилибди, қадди мункайиб.
 – Ана у азиз эса беш юз йил ҳаёт
 Кўрган жуда сермазмун, қилмай оҳ, фарёд.
 Шогирд деди: – Устозим, қабрдаги тош
 Дарак берар, яшабди у қирқ тўққиз ёш.
 – Ана у гўрда ётган қирқ йил яшаган,
 Гоҳ қувонч, гоҳ қайғуда ошин ошаган.
 Шогирди дер: – Етмиш йил кўрган у умр,
 Шу қишлоқ чоли экан, бўлибди кўмир.
 – Инсон ҳаёти, – деди шунда донишманд,
 – Унинг кўрган куни-ла ўлчанмас фақат.
 Тўқсон йил яшаган чол қайғу билмаган,
 Келажак учун ундан амал қолмаган.
 Қирқ тўққиз йил яшаган ёзган бир китоб,
 Китоб эмас, гўёки сўнмас бир офтоб,
 Асрлар оша ундан таралади нур,
 Қабоҳатга қарши кўп унда ҳикмат – дур.
 Қирқ йил, деганим эса, қурган бир кўприк,
 Кўприги тургунча, дедим, – у тирик.

Бир куни бир беморга деганди Букрот:
 – Қулоқ сол, сенда бўлса соғлиқдан мурод,
 Битта ҳикмат айтаман; мен, сен, касаллик –
 Учаламиз уч тараф, қилма ўсаллик.

Табиб тарафда бўлсанг, соғлом бўласан,
Касалликни қўлласанг, сўзсиз, ўласан!

Арасту шогирдига дер: – Умри азиз,
Сенга кўплаб воқеа айтаман ҳар кез,
Ҳар бирида ҳикмат бор, қилгин тафаккур,
Инсонни улуғлайди: ҳақ, тўғри фикр.

Бир бадавлат бир куни бир халта тилла
Туғиб, қулига тутиб: – Бир ишни ҳалла!
Шу халтани Довудга олиб бориб бер,
Гар у олтинни олса, озод бўлдинг! – дер.
Қул келтириб тиллани Довудга тутди:
– Сенга хожам бир халта зар инъом этди.
Довуд олтин олмади, қул деди шунда:
– Гар сен олтинни олсанг бойийсан зумда,
Мени эса хўжайним қилади озод.
Довуд дер: – Бу зар қилар эркимни барбод.

Сулаймоннинг узугида бўлган ёқут кўз,
Шу ёқутга чекилган эди сирли сўз.
Шоҳ Сулаймон бўлганда жуда ҳам шодон,
Узук сўзин ўқиса бўлар паришон,
Шоҳ гоҳ тушса қайғуга узугин шу он
Ўқиб бўлар эди шод, дарҳол, шу замон.
Шоҳ бир куни жуда ҳам қайғуга ботди,
Узук фойда бермади, у ечиб отди.
Шунда шоҳ кўриб қолди, чекилган пинҳон
Узук орқасида сўз, бўлди: лол, ҳайрон.
Сўзни ўқиб кўргач шоҳ, бўлди руҳи шод,
Шундан кейин қайғулар шоҳга бўлди ёт.
Қачон қайғуга ботса ўқигач уни,
Кулимсираб қўярди, чиқмасди уни.
Вазирлари ўйларди: – Сулаймон подшоҳ
Шу узуги сабабли сирлардан огоҳ.

Кимга қолса бу узук подшоҳдан мерос,
Сулаймондан кейин шоҳ бўлар, иши – соз!
Сулаймон вафот этгач, аъёнлар иши:
– Узукка эга бўлиш бўлди ташвиши.
Узукни ўқиб кўргач аъёнлар ҳайрон,
Икки сўз бор ёқутда: “Ўткинчи замон”.
Ёқут орқасида ҳам оддий сўзлар бор:
“Қувонч – қайғу ҳаётда алмашар такрор.”
Лек аъёнлар бу сўзлар мағзин чақмади,
Маъносини билмади, чуқур боқмади.
Ушбу сўзлар сеҳри-ла ақлини бедор
Сақлар эди Сулаймон, рўҳини хушёр.

Файласуфдан сўрабди сарой аъёни:
– Султоннинг нечун сиздан чиқар фиғони?
Файласуф дер: – Ҳукмдор бўлар дили ғаш,
Рухидан устун бўлса руҳи суҳбатдош.

Файласуфнинг вояга етганда қизи,
Уйига совчиларнинг кўпайди изи.
Қизнинг ҳусни тўрт тамон бўлди овоза,
Файласуф қизин берди кўп ўйлаб, роса.
Одамлар дер: – Қизингни бойга бермадинг,
Камбағалга берибсан, жойли қилмадинг!
Файласуф дер: – Бой ўғли нодон кўринди,
Камбағал йигитни кўрдим, зеҳни билинди.
Эртами-кеч бой ўғли совурар молин,
Зеҳнли куёв тезда қудратлар ҳолин.

Файласуф қаттиқ нонни сувда ивитиб,
Ҳузур қилиб еганда, бир киши келиб
Унга деди: – Бўларми қаттиқ нон маза?
Файласуф дер: – Бўлади, илож бўлмаса.

Бир азиз чол йўлида этаркан давом,
Бир жойда зўр ёнғинни кўрди бир замон.
Ёнар эди гўзал уй – кошоно, қаср,
Бу ёнғинга бир бола бўлганди асир.
Ота фарзанди учун талпинар ҳар дам,
Лек оломон отани тутганди маҳкам.
Шунда ўша азиз чол оловга кирди,
Отага соғ-саломат фарзандин берди.
Ота бир ҳамён олтин берди азизга.
У чол деди: – Мен бир сир айтаман сизга,
Гар олтин оладиган бўлсам мен инсон,
Ёнган уйга киролмас эдим ҳеч қачон.

Бир подшоҳнинг бир аҳмоқ ўғли бор эди,
У олимга: – Ўғлимга билим бер! – деди.
Олим берди аҳмоққа кўп, турли билим,
Шоҳ синаш-чун ўғлини мушт тугиб қўлин,
Муштига узук солиб, деди: – Нима бор?
Агар топсанг, тахтимга бўларсан ҳақдор.
Шаҳзода дер: – Юмалоқ, сариқ, ичи бўш
Бир нарса бор... Шоҳ деди: – Номинима, хўш?
Шаҳзода дер: – Ҳойнаҳой, у – ғалвир бўлар...
Шоҳ дер: – Қанақа ғалвир бир муштга сиқар?

Бир подшоҳ чиққан эди бир куни овга,
Бир чол ёнғоқ экканин кўрибди тоғда.
Подшоҳ боғбонга деди: – Чол бўлсанг ўзинг,
Бу ёнғоқлар ҳосилин кўрарми кўзинг?
Чол дер: – Оталар экди биз учун ёнғоқ,
Энди бизлардан қолсин келажакка боғ!
Подшоҳ дониш боғбонга тўн ҳадя этди,
Сўнгра олқишлар айтиб, овига кетди.
Подшоҳ овдан қайтишда, дехқон тўкиб тер,
Шоҳона тўн елкада ағдарарди ер.
Шоҳ дер: – Бу ер ҳосилин гар кузда сотсанг,
Қиймати шоҳ тўнига етмайди, билсанг!

Боғбон деди: – Бу тўнни киймасам агар,
Ўғри уриб кетади, бунда олтин – зар...
Агар кўчага кийсам қилар масҳара:
«Ярашмабди шоҳ тўни дейишар, қара!»
Бу кун мени ушбу тўн шамолдан сақлар,
Меҳнатим-чун керакли жиҳатин оқлар.
Қиссадан ҳисса, албат, гапимнинг жўни:
– Кишига тўнлик қилмас ўзганинг тўни.

Бир хасиснинг бор эди битта товуғи,
Оддий товуқ эмасди, сирли қувуғи.
Тилла тухум туғарди битта ҳар куни,
Хасис нафси йўлида, сўйганди уни;
Тиллаларни бир йўла олиш – мақсади,
Сўйгач билди оддий экан товуқ жасади...

Тунда йўлда борарди якка сўқир чол,
Бир аҳмоқ уни кўриб бўлиб қолди лол!
Сўқир қўлда тутганди кўза, ҳам чироқ,
Аҳмоқ ҳайрон бўлиб дер: – Сўқирсан, бироқ
Нечун чироқ кўтариб чиқдинг йўлингга?
Сўқир шунда унга дер: – Кўза қўлимда,
Менга тун ила куннинг фарқи йўқ, аммо
Кўзачамда ёғим бор, катта муаммо.
Қўлимдаги бу чироқ аҳмоқлар учун,
Кўзамни туртиб кетса бўлар чил-парчин.

Борар эди бир отлиқ бир куни чўлда,
Бир зўравон учради, тасодиф, йўлда.
Зўравон тортиб олди отлиқ отини,
Ҳеч кимса эшитмади унинг додини.
Зўравонни учратиб отлиқ бозорда,
Қозига тутиб берди уни наҳорда.
Қозига дер зўравон: – Бу отни ўзим
Катта қилдим тойчоқдан, ёлғонмас сўзим.

Шунда отнинг эгаси ечиб кўйлагин
Отига ёпиб деди: – Қани, ўйлагин,
Отнинг қайси кўзига “оқ тушган” эди?
Зўравон таваккал: – Ўнг кўзига! – деди.
Эгаси дер: – Отнинг соғ иккала кўзи...
Зўравонни зиндонбанд этганди қози.

Тузоққа бир овчига бир қуш тушибди,
– Мени нима қиласан? – овчига дебди.
Овчи дебди: – Қорним оч, пишириб ейман.
Қушча дебди: – Озод эт, уч ўғит дейман:
– Бирини мен айтаман қўлингда туриб,
– Иккинчисин айтаман елкангда юриб,
– Учинчи насихатим айтаман тошда –
Анави ялтиллаган, ётган қуёшда.
Бир қушчанинг гўштига ҳеч ким тўймаган,
Панд-насихат, ўғитлар ўтда қуймаган.
Овчи деди: – Қани, айт! Қандай насихат?
Қушча деди: – Нимани йўқотсанг, фақат,
Ҳеч қачон афсус қилма, асабинг сақла!
Энди елканга қўйгин, ишончим оқла!
Овчи қушчани қўйди елкага, шу он
Қуш дер: – Бўлар-бўлмасга ишонма инсон!
Қушча «пир-р!» этиб учиб, яна сўз деди:
– Менинг қорнимда икки олмос бор эди.
Овчи афсусда деди: – Учинчисин айт,
Сендай доно қушчани ўлдирмайман, қайт!
Қушча деди: – Унутдинг ўғитим икки,
Учинчиси сен учун бўлади дакки:
– Қўлдан чиққан нарсага ачинма! – дедим,
– Бўлар-бўлмас гапларга ишонма! – дедим.
Мен қўлингдан чиққанда, сен афсус қилдинг,
Қуш-чун олмос озуқа бўлмайди, билгин!

Бўри билан бир итнинг дўстлигин кўриб
Шер сўради: – Қачондан? “Қаҳ-қаҳа!!!” уриб.
Ит деди: – Дўстлигимиз сабаби: чўпон,
Менга дўстан душманга айланган замон.

Тулкини тутиб олган ит дебди унга:
– Қара, жуда ҳам зўрман, асирсан менга!
– Сен зўрлигинг учун-мас, ушладинг балки
Мени бетоблигим-чун, – дер унга тулки.
Гар, сен, жуда зўр бўлсанг, тутгин бўрини,
Ўшанда сен кўрасан, кимнинг зўрини.

Арастуға шогирд дер: – Билсам бўлар соз,
Фалсафа сизга нима ўргатди, устоз?
Устоз деди: – Қонун-ла яшар одамлар,
Файласуфлар Ҳақ учун босар қадамлар.

Устози Искандарга дер: – Умри азиз,
Сенга кўплаб ҳикматлар айтаман ҳар кез,
Ҳар бирида савоб бор, қилгин тафаккур,
Инсонни улуғлайди Ҳақ, тўғри фикр.

Тарихларни ҳар доим фотиҳлар ёзган,
Аммо санаси, мудом, сақланиб қолган.
Гар бўлмаса фуқаронинг хусусий мулки,
Беватандир, беватандир – аҳволи “кулки”.
Бўш вақт учун ҳар доим қиламиз юмуш,
Тинчлик учун ҳамиша қилишган уруш.
Оғзингдан сўз чиқмаса асиринг сенинг,
Гар оғзингдан чиқса, сен асири унинг.
Доноларнинг қайғуси – мия тўлдирмоқ,
Нодонларнинг қайғуси – қорин тўйдирмоқ.
Дунёвий барча сафо – денгизнинг суви,
Қанча кўп ичсанг, шунча зарар ичуви.

Нодонни икки ҳислат ажратиб турар:
Пойма-пой жавоб қилар, “тузсиз” гапирар.
Қайси шоҳ агар қилса ёмонга карам,
Сарой яхшиларига қилади алам.
Ким истагин ёнголса у жасур инсон,
Ўзин ёнганлар эса бўлар қаҳрамон.
Тасодиф йўқ дунёда абадул абад,
Сабабин билса бўлар, гар қилсанг ғайрат.
Кимнинг бўлса ошнаси ҳаддан зиёда,
Содиқ дўсти бўлмайди унинг дунёда.
Жиддийликни енгасан сен кулиб туриб,
Ҳазилкашни енгасан сен жиддий туриб.
Кўп ширин ҳам, аччиқ ҳам бўлма, эй инсон,
Иккаласи ҳам, албат, келтирар зиён.
Жоҳилнинг бор тўқмоғи – темирдан оғир,
Бир учи ўз бошига тушишга қодир.
Вақт – кескир, пўлат қилич, “ялт!” этар бир зум,
Қамаштириб, абадий юмади кўзинг.
Диогендан сўрабди: – Нима энг мушкул?
Жавоб: – Ўзинг англашлик, сириг маҳкам қил!
Нима учун умр бўйи деҳқон тўкиб тер,
Не қилса ҳам эгаси бўлолмайди ер?
Нима учун савдогар эгаси бозор
Бўлолмайди, туну кун чекаса-да озор,
Аммо подшоҳ бўлади барчага ҳоким,
Қаршисида инсонлар бошин эгар жим?
Чунки: деҳқон, савдогар... ўйлайди ўзин,
Ташвишида юради ўзин ризқ-рўзин.
Шоҳнинг муроди эса, элнинг ташвиши...
Гар шоҳ ўзин ўйласа “пачава” иши.
Ким агар устун қўйса муродин Оллоҳ,
Номи абад ўчмайди, тарихдир гувоҳ.
Яна кўплаб ҳикматдан у бўлиб огоҳ,
Йигирма ёшга киргач бўлган эди шоҳ.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Шоҳ

Искандар тахтга келгач биринчи иши
 Устозини улуғлаш бўлди ташвиши.
 Арастуга зўр ҳайкал у этди бунёд,
 Асрлар оша халқлар этсин, дея, ёд!
 Одамлар Искандарга дедилар шунда:
 – Устозинга зўр ҳайкал ўрнатдинг бунда,
 Наҳот – ки, отангдан ҳам устоз улуғроқ,
 Дастлаб отанга ҳайкал қўймадинг, бироқ.
 – Отам сабабчи менга Искандар исмим,
 Самодан ерга тушдим, тўлишди жисмим,
 Лек абадият йўлин кўрсатди устоз,
 Заминдан фазо тамон йўлим этиб соз.
 Шу сабабдан устозим отамдай улуғ,
 Унинг ҳар бир ҳикмати мен учун қутлуғ.

Шоҳ Искандар Зулқарнай чиқса сафарга,
 Диогенни бочкада кўрди наҳорда.
 Шоҳ ҳайрон бўлиб деди: – Эй улуғ одам,
 Қандай сиғдинг бочкага? Ўзи тор олам...
 Арастунинг ўғити доим ёдимда,
 Мангу ишга ҳомийлик, албат, қонимда.
 Диоген дер бочкадан: – Мурувватли шоҳ,
 Доим зиёга зорман, мададкор Оллоҳ;
 Қуёш нурларин тўсдинг, сурилгин ёнга!
 Шоҳ Искандар шунда дер аскар, аёнга:
 – Ушбу бочка тугамас хазина – билим,
 Чунки унда яшайди табаррук олим.
 Гар дунёда бўлмасам мен шоҳ Искандар,
 Албат, олим бўлардим, Тангри унга ёр!

Саройда бир билимдон, фозил кишини
Шоҳ мансабдан четлатди, пастлаб ишини.
Бир куни уни кўриб деди Искандар:
– Янги ишинг ёқдим, эмасмисан хор?
У дер: – Инсон мансаб-ла зийнатли эмас,
Нодон мансабли бўлса, шарафли, демас.
Ҳикматдан қойил қолиб подшоҳ Искандар,
Уни яна улуғроқ этди мансабдор.

Саркардалардан бири бир куни шоҳга
Деди: – Аёл кўпайтир гўзал ётоқда,
Мол-у дунёнг ҳисобсиз, қолар фарзанд – из,
Сенинг тахтинг вориси бўлади, сўзсиз.
Искандар унга деди: – Хотин-халаж гар
Қайси шоҳда кўп бўлса, иши чап кетар.
Жаҳонни олмоқ ишим, қиз-жувон эмас,
Бўлсам одил шаҳаншоҳ, хотинбоз эрмас.

Сарой аъёнин бири қилган жиноят,
Искандар ўзи қилган уни ҳимоят.
Бу шундай содир бўлган: мажлис қуриб шоҳ,
Сарой аҳлин этиб у гуноҳдан огоҳ,
Қандай жазо беришни сўраган эди,
Бир вазири шошилиб шундай сўз деди:
– Гар мен сенинг ўрнингда бўлганимда шоҳ,
Уни қатл этардим шу онда – шу чоқ.
Искандар унга деди, “зим” ташлаб назар:
– Сўзинг – совуқ сўз бўлди, сендан “Ал ҳазар!”
Тангри мени сийлаган, шоҳ – мен бўламан,
Уни шукуронам-чун озод қиламан!

Искандарнинг адаши бор эди кўрқоқ,
Жангга кирганда доим бўларди қочоқ.
Фотиҳ унга бир куни деди: – Бўл ботир,
Ё исмингни ўзгартир, ё уйда ўтир!

Гар ҳаким касал бўлса Юнонистонда
 Иш ҳаққидан ажралар экан шу онда.
 Мағриб юртига юриш шоҳ қилган маҳал,
 Бу жанговар ҳаракат шундай бўлган ҳал:
 Искандар ҳузурига бир киши келди,
 – Мен – Мағриб шоҳ элчиси бўламан, – деди.
 – Менга қандай сўзинг бор? – деганида шоҳ,
 У дер: – Сўзим – махфий сўз, бўлмасин гувоҳ;
 Менинг оёқ-қўлларим боғлашиб маҳкам,
 Кейин ҳоли қолдирсин иккимизни ҳам!
 Чодирда ёлғиз қолгач шоҳ ила ул зот,
 Деди: – Шоҳ мени ўлдир, ё айла озод!
 Мен – Мағриб подшоҳиман, элчи эмасман,
 Ҳузуригда боғландим, бир сўз демасман.
 Искандар унинг ечди оёғу қўлин,
 У эса шаҳри тамон ўнғайлаб йўлин
 Деди: – Сиз-чун бошланар тонгда зиёфат,
 Шоҳлар сирин навкарлар билмасин, фақат.
 Икки кун давом этди ўша зиёфат,
 Икки тамон ҳам рози, йўқ бўлди офат.
 Искандар мағриб шоҳга деди: – Жангчинг кўп
 Меникидан уч марта, жанг қилмадинг “Хўп?”
 – Мен кўшнингдан кўркмадим, – деди мағриб шоҳ,
 – Саодатингдан кўркдим, Ҳақ – сенга паноҳ!

Кейин подшоҳ Искандар: – Ибодат... – дея,
 Муқаддас қадамжойда қилди хайрия.
 Ўша жойда бор эди бир сирли тугун,
 Дуоибад қилинган, юмалоқ, бутун.
 Шундай сўзлар тарқалган эди эл ора:
 “Ким тугунни ечишга тополса чора,
 Осиёни эгаллаб бўлар шаҳаншоҳ”.
 Искандар ҳам бу сирдан бўлганда огоҳ,
 Шу тугунни ечишга ўзин чоғлади,
 Лекин еча олмади, қалбин доғлади.

У тугун ясалганди бир тасмадан оқ,
Учи – боши кўринмас, гуёки копток.
Шунда Искандар солиб тугунга шамшир,
Қийма-қиймалаб уни ечган эди сир.

Осиёда ўша пайт Доро ҳукумрон,
Форсий Салтанат шоҳи, унда шараф-шон.
Осиёга Искандар кўз тиккан замон,
Доро шоҳдан элчилар келди ногоҳон.
Улар келтирган эди: бир ҳовуч тариқ,
Бир копток, ҳам бир човгон – жигарранг сариқ.
Форсий шоҳ яна шундай етказган хабар:
– Менда жангчи жуда кўп – туманот, агар
Саноғин билмоқ бўлсанг, тариқни сана,
Яна шунча тариқ қўш, яна, ва яна!!!
Искандарни менсимай деганди: – Ўғлон,
Гўдаксан – сен, ўйнагин: копток, ҳам човгон!
Шоҳ Искандар келтириб шунда бир хўроз,
Элчиларга у деди: – Кузатинг, бироз!
Хўрозга у тариқни сочганди, шунда
Хўроз барча тариқни еди бир зумда.
Элчиларга у деди: – Копток – ер шари,
Човгон эса – қиличим, – рамзийдир бари.
Тангри ишора этди: Доро енгилар,
Буюк салтанатидан, мутлоқ, айрилар.

Шу он Форсда бор эди бир юнон – қочоқ,
Доро ундан маслаҳат сўради, шу чоқ
Қочоқ – юнон Дорога шундай деди сўз:
– Сенда қўшин саноқсиз – туманот, сўзсиз,
Лекин бари тақишган безак: олтин – зар,
Олтин – зарлар келтирар қўшинга зарар!
Искандарда жангчилар, доим, шай жангга,
Жанговор саф тортишар биринчи бонгга;
Агар уни енгишни истасанг, эй шоҳ,

Юнонлардан қўшин туз, ёллагин тезроқ!
Шоҳ Дорога ёқмади ушбу тўғри сўз,
Дўст – юнонни ўлдирди, сўнг қилди афсус...

Шоҳ Искандар форсларга очганда уруш,
Форсийлар ҳам уларга бошлади юриш.
Жангчилар билан тўлди бепоён дала,
Буюк қонли жанг бўлди, ҳайқирдиқ – нола
Билан гувиллаб турди ҳафта жанг майдон,
Икки рақиб тамондан оқди дарё қон.
Форсий қўшин енгилди, шоҳ Доро қочди,
Искандарга Осиё эшигин очди.
Искандар дер: – Дорони қандай тутамиз?
Унга дерлар: – Гар шумлик қилсак ютамиз.
Доронинг бор хос қули, ишонар унга,
Уни ишга соламиз, рухсат бер шунга!
Искандар айғоқчиси у қулга бориб,
Шоҳ номидан бир олмос узук узатиб,
Тунда уни саройга бошлаб келганди,
Шунда Искандар унга шундай деганди:
– Агар менга келтирсанг калласин Доро,
Сени баланд тутаман аскарим аро.
Қул келтирди уч кунда Доро калласин,
Ишончли бўлсин, дея, тож, ҳам салласин.
Шоҳ майдонда хоин-чун қурди баланд дор,
Аскарин йиғди, бўлсин, дея, ибратвор...
Доро хоини деди: – Сўзи ёлғон шоҳ,
Менга берган ваъдангни унутдинг, э-воҳ!
Мен ишимни бажардим, қани баланд жой?
Шоҳ дер: – Оёғинг ости пастмас, ҳойнаҳой,
Дедим: – Аскарим аро баланд тутаман,
Мана, мен баланд тутдим, энди “йиқаман”,
Агар сени сақласам, бир куни мен ҳам
Тузоғинга тушаман, сотқин, муттаҳам!..

Искандар Турон тамон юриш қилган он
Афросиёб чўлларида кўп бўлди сарсон;
Маҳаллий суворийлар тўсатдан пайдо
Бўлиб қолиб, қиларди кўп ғазо, ғавго...
Искандар душман тамон от солган замон,
Улар саҳрога сингиб, бўларди пинҳон.
Искандар улар изин топиш-чун, зора,
Уч ойда ўйлаб топди зўр макр – чора.
Подшоҳ фармойиш берди: – Фақат байтал от
Сотиб олинг бозордан! – шу бўлар нажот.
Саҳро халқи сотмади отлар тойчоғин,
Сезмаган эди улар юнон тузоғин.
Искандар байталларни ҳайдади чўлга,
Отлар тойчоғин излаб тушишди йўлга.
Шундай қилиб шоҳ топди Турон маконин,
Жангу жадалда кўпин оқизди қонин.

Кейин Афросиёбда подшоҳ Искандар
Базм қилди, базмдан шундай бор хабар:
Жаҳонгир ўзига хос мардлик-ла ғаним
Саркарда Спитаменнинг мардлигин анинг
Ибрат, дея, мадҳ этди юртдошларига,
Бу сўз уларнинг тегди, лек, ғашларига.
Шунда шоҳ яқин дўсти – кўмондони Крипп
Мақтовга чидолмай, ўрнидан туриб
“Кўрқоқ шоҳ...” деган кўшиқ бошлади шу он,
Шоҳнинг кўшиқдан тўлиб кўзларига қон,
Ўлдирди ханжар уриб азиз сафдошин,
Кейин эса чангаллаб қолди у бошин.
Шоҳ уч кун мотам тутди Крипп учун шунда,
Кейин жанговор юриш бошлади Ҳиндга.

Искандар Ҳиндистонни абт этган замон,
Бир гуруҳ файласуфин асир этган он,
Уларни кўриб шоҳнинг кўнгли тўлмади,

Бироқ қатил этишга кўнгли бўлмади.
Улар эди ялонғоч, белда белбоғи,
Қўлларида қип-қизил асо таёғи.
Уларни синаш учун шоҳ берди савол:
– Тупроқ мўлми, ёки сув, айтингиз дарҳол!
Улар деди: – Сув оздир, тупроқ эса мўл,
Сув заминда жойлашган: уммон, дарё, кўл...
Искандар дер: – Кимларни дейишар Даҳо?
Улар деди: – Ким бўлса амрида Худо.
– Олдин пайдо бўлгани тунми, ёки кун?
– Кун бир кун олдин пайдо бўлган, кейин тун.
– Тирик билан ўликнинг нимада фарқи?
– “Тирик”ларни емирмас замона чархи.
Жавоблардан қониқиб подшоҳ Искандар
Уларни озод этди, яна берди зар.

Хотима

Искандарга кўп жангда кулди бахт, иқбол,
Бир юришда тахт ҳолин кўриб бўлди лол!
У юртинг шоҳи ўлиб, шаҳзода тож-тахт
Эгалламай, этганди дарвешликни аҳд.
У гўрда – қабристонда бошлади ҳаёт,
Шаҳзодани Искандар чорлар шу заҳот.
Дарвеш келди, қўлида жуфт бош чаноғи,
У деди: – Бу каллалар йўқ ол яноғи,
Бўлган эди: бири – шоҳ, биттаси – гадо,
Фарқи бўлса аниқла, бўлганлар адо.
Искандар дер: – Билмадим, нечун бу жумбоқ,
Сенга таклиф этдим тахт, бахтга кулиб боқ!
Дарвеш деди: – Кўрмадим, иқболи кулган
Икки шоҳни, шоҳларга дунё тор бўлган.
Бахтлидир шоҳу гадо топса қаноат,
Қаноатли инсондан чекинаро офат...

Кейин яна Искандар кўплаб олди юрт,
Лек унинг бир ҳикмати бўлмайди унут;
У ўлгач тобутидан икки қўлини
Чиқариб, қабри тамон олиб йўлини.
Деганди: – Олам олдим, тўймадим, бироқ
Эгаман тор қабрга, бўларман бир ҳок.

Вафоти яқинлигин сезган Искандар,
Онасига таскин-чун қолдирган хабар:
«Она мен вафот этгач, элга бер ош-туз,
Маросимга келувчи рўйхатини туз!
Лек у ерга шундайлар қўйсинлар қадам,
Яқинлари ўлмаган келсинлар одам».
Онаси тополмади бундай кишини,
Англади ўғлин сўнгги ҳикмат ишини.

Жаҳонгир вафот этгач, кураш тахт учун
Бошланди, ҳар бир фирқа кўрсатди кучин.
Буюк салтанат сўнди тузган Искандар,
Ҳамиша ички душман энг ёмон хатар.
Искандар вафотидан кейин ўттиз йил
Ҳиндистон бош кўтариб озод бўлди, бил!
Кейин навбат-ла навбат бошқа халқлар ҳам
Озодликка эришиб йўқ қилишди ғам.

КАДРИЯТ

Бу дунёда савол кўп, лекин жавоблар ундан-да кўпроқ, чунки бир саволга турли инсон, ўз нуқтаи назари, ёндошуви билан, турлича жавоб бериши мумкин.

Мендан, баъзида, рассом Леонардо да Винчини асарларининг нима учун баҳоси йўқ, улар нимаси билан қадрланади? – деб сўраб қолишади. Аввало, умумбашарий бадий асарларнинг дунёга келишининг ўзи бир мўъжиза. Барча машҳур санъат асарларини, ихтироларни ўз муаллифлари илҳом орқали яратади, очишади. Илҳом эса, фақат Оллоҳдан келади, ёки Оллоҳ амрисиз ҳеч нарса келмайди. Барча умумбашарий бадий асарларда инсоният учун маънавий озуқа бор.

Маънавият нима? Маънавият – маънолар демакдир. Шундай гаплар ёки сукутлар, тасвирлар ёки чиқиқлар, оҳанлар ёки куйлар, ҳайкаллар ёки меъморий обидалар бор-ки, биргина маънони билдириб қолмайди, балки бир неча маънони билдиради. Абадиятга дахлдор маънавий асарлар ўқувчиси қалбини ижобий туйғу – меҳр билан, ақлини ижобий фикр – донишлик билан бойитиб, яъни қаҳр-ғазаб ва айёрликни қоралаб, инсонларни доим эзгуликка чорлаб, қабоҳатдан қайтаради.

Рассом Леонардо да Винчининг “Мадонна Литта” номли асарини мен, – “Меҳр қўшиғи” – деб атагим келади. Бу асарда аёл зотининг дунёдаги бурчи, зиддиятларга тўлиқ ҳаётнинг авлодлар кўринишидаги давомийлиги, фарзандга, келажакка, ҳаётга бўлган буюк меҳр улуг устоз қаламига хос қаҳрамонона тасвирланган.

Инсонда меҳр ҳиссини кўпайтирувчи, инсонга донишликни ўргатувчи, инсонни эзгулик йўлида тарбияловчи ҳар қандай китоб ёки санъат асари қадрланади.

КИТОБ – УЛУҒ СУҲБАТДОШ

*Мани ман истаган суҳбатиға аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.*

Алишер Навоий.

Улуғлардан бири: “Мен бўш вақтларимда жуда банд бўламан”, деган эди. Барча инсонлар бўш вақтларини қандай қилиб мароқли ўтказиш муаммосига дуч келишади. Мен шундай пайтларда кўлимга китоб олишга ҳаракат қиламан, чунки китоб – энг улуғ ҳамсуҳбат, энг холис ҳаммаслак, энг ишончли дўст. Нима учун китоб: энг..., энг..?

Биз одамлар орасида яшаймиз. Шу одамлар орасида, тахминан, мингдан бири бирон-бир бадий жанрда фаолият юритади, аммо шу бадий ижодкорларнинг, тахминан, йигирмадан бири ўз асарларини китоб кўришига келтириш шарафига муяссар бўлади. Демак, сиз кўлингизга бирон-бир бадий асарни олсангиз, тахминан, йигирма минг кишининг орасида теран фикрли, бирор бадий йўналишда хизмат қилган, ёки хизмат қилаётган инсонларнинг бири билан учрашган, ҳамсуҳбат бўлган бўласиз.

Дунё юзини кўрган ҳар бир китобнинг замон ва макон нуқтаи назаридан ўз умри ва салоҳияти бўлади: а) замон нуқтаи назаридан: бугунги кун китоби, давр китоби, абадиятга даҳлдор китоблар бор; б) макон нуқтаи назаридан: қишлоқ, туман, вилоят, давлат, миллат, башарият муаммолари қамровини ўз ичига олган китоблар бор.

Агар сиз мумтоз адабиётга доир бирон китобни ўқисангиз, билинг-ки, кўп сонли, ҳатто, миллиардлаб одамлар орасидан фикри ҳам, қалби ҳам улуғвор – даҳо ижодкор одам билан учрашиб, унинг меҳр-у донишмандлигидан баҳраманд бўлган бўласиз.

ҲИҚМАТЛИ ИБОРАЛАР

* * *

Шер севгисини булбул кўтаролмайди.

* * *

Ортиқча ейилган овқат ҳўрандани ейди.

* * *

Кашандалик ва ичкиликбозлик сабаби: руҳий инқироз.

* * *

Зиё таратаётган инсоннинг сояси бўлмайди.

* * *

Ғоя – инсоннинг қаноти.

Қаноти катта қушларнинг парвози баланд бўлади.

* * *

Дехқондан уруғ узоққа тушмайди.

* * *

Пулни ҳар ким ҳар хил қадрлайди. Кимдир топишини назарда тутган ҳолда қадрласа, кимдир сарфлашини ўйлаган ҳолда қадрлайди.

* * *

Салбий йўл билан ечиладиган ҳар қандай муаммони ижобий йўл билан ечса бўлади, аммо ижобий йўл билан ечиладиган ҳар қандай муаммони салбий йўл билан ечиб бўлмайди.

* * *

Меҳр энг арзон ва энг ноёб фазилат.

* * *

Санъат – руҳни, билим – ақлни, жисмоний тарбия – танани бақувватлайди.

* * *

Кимнингдир ютуғидан фойдаланмоқчи бўлсанг,
унинг камчиликларига бардош бер!

* * *

Икки хил машҳур рассомлар бор:
Биринчиларининг асарлари – шоҳ асар,
Иккинчилари – асарларининг шоҳи,
Улар – Даҳолар!

* * *

Дунёни ҳар ким ўзининг тафаккур тарозисида ўлчайди: кимдир граммлаб ўлчаса, кимдир юзлаб тонналаб ўлчайди.

* * *

Пул – қувват миқдорини ўзида акс эттирувчи воситадир.

* * *

Рассом оламини тасвирлаш керак эмас, бунини фотоаппарат бажаради. Рассом оламини талқинлаб тасвирлаб, томошабинларни иқболлаши керак.

* * *

Маънавият – улуғлик ҳақидаги таълимот.

ЙУЛДОШ БАХРИННИНГ
РАЊИ ТАСВИР САЊАТИДАН
НАМУНАЛАР



ОБРАЗЦЫ
ЖИВОПИСНОГО ИСКУССТВА
ЮЛДАША БАХРИ



Дан тасар



Бегония



Ирис



Астра







Дилпр, тик



Rock formation



Афсона



Манзара-1




Figure 1




Mamapa-3



Manuapa-4



Манзapa-5



Mamapa-6

Юлдаш Бахри

КНИГА СЧАСТЬЯ

Поэзия



ЗАЛОГ СЧАСТЬЯ

В жизни мне встречались люди разные:
Одинокие и семейные, чином важные,
Богатые и бедные, добрые и злые,
Славные и слабые, на лицо милые...
Всем задал один вопрос: – Счастливы ли вы?
Многие отвечали: – Не нашли увы!!!
И я искал своё счастье по белому свету,
Часто грешил, но не умел жить по завету,
За морями, за лесами его не нашёл,
В горах, и городах, куда бы ни пошёл...
Тогда думал про себя: – Где счастье может быть?
И услышал сердца голос то, что был забыт.
Голосило: – Его надо искать у себя,
Нет во внешнем мире счастья, рыскал ты зря!
У каждого Божественный в душе звон,
Иди за ним и увидишь Истины трон.
Служи ему и разукрась, счастья залог,
Счастлив будешь, когда на нём будет сидеть Бог!

СТАРИК И ЧЁРТ

Старик поздней осенью шёл ночью домой,
С палочкой в руке и с думой былой.
Споткнулся в темноте и упал набок,
Встал, отряхнулся и сказал: – Окончен срок
Молодости и силы, я стар стал,
Слава тебе, Господь-Бог, помог, сам встал.
Он шёл дальше по пути, ночь мрачна была,
Вновь упал, дорогу вьюга замела.
Встал, обулся и сказал: – Я, давно, не тот,
Мне не больно, встал сам, милостив Господь!
Внезапно, в тот же час, тёмный человек
Появился с фонарём, он был из калек.
Старца довёл он до дома, старик его
Хотел тогда благословить, а он от него...
Старик сказал: – Не отрекайся от святых слов,
Они чërта приковывают в железный оков.
– Мне не надо, – сказал тот, – святой завет,
Я – чёрт, мне бесполезны: молитва, обет...
Я показался человеком тебе на пути,
Сам – дух, тебе вечный враг, но помог идти.
Старик сказал, с удивлением: – Чёрт человеку
Никогда не помогал на своём веку.
Чёрт сказал: – Я причину объясню тебе,
Мною всегда движет зависть, помог я себе:
– Ты – старик, когда упал, восславил Творца,
Бог отворил тебе дверцы Райского дворца.
– Старик, вновь, когда упал, славил Господа,
Бог открыл поколениям твоим райские ворота.

Юлдам Бахри _____

Тогда поспешил я «на помощь», чтоб ты домой
Шел бы дальше, но не упал вместе со мной.
Если ещё упал бы, старик, вьюга сильна,

Ты восславить Бога привык, ночь ещё длинна.
Милостив Бог, открыть мог Рай для всех,
Тогда я один остался бы в Аду, людям на смех.

* * *

Нити золотые солнца погасли до утра,
К наливу яблок моих прильнула луна,
Алмазами усыпан ночной небосвод,
Лестницами «Млечный путь» спустился у ворот.

Выхожу на дорогу я...

СЕКРЕТ КРАСОТЫ

Люди живут вокруг нас, – все разные:
Простые, добрые, умные, иные...
Каждый ищет своё, чего-то хочет,
За богатства кто – то сам себя точит.
Кто ищет всю жизнь жгучие глаза,
От резвости любимой у кого слеза.
Кто ищет чудеса, кто удачу,
Кто не может решить одну задачу.
Кому нужна слава, кому нужен конь,
Кто для потехи бросается в огонь.
С детства я хотел художником быть,
Секрет замка красоты дверь открыть.
Его искал я между листами книг,
Но ответа не нашёл, не понял, не проник...
В музеях побывал, полмира видал,
Одиноким из Родины уехал вдаль.
Родину я объездил, босиком ходил,
В пустыне плакал, но не находил
Я секрета красоты. Любил я закат,
От золотого рассвета каждый день был рад.
Но однажды осознал на чёрном угле
Суть секрета красоты, горящей в огне.
Угли были красивы, как алый букет,
Алый костёр излучал чудесный свет.
На свете костра я до рассвета пел,
Свое сердце любовью я зажечь сумел.
Этой любовью взирал я на божий мир,
Озарился тогда мир и вглубь, и вширь.
Передал в живописи я эту зарю,
Люди, любите живопись, я зарю дарю!

МОЙ УЧИТЕЛЬ

В детстве я мальчиком был очень резвым,
Дни мои детские не забыть совсем,
От злости злых людей стал трезвым,
Друзья, опорой моей стал Создатель.

Хотел познать жизни смысл, видал я свет,
За богатство хитрые дураков травят,
В мире нет случайностей, сам Бог правит,
Друзья, оплотом моим стал Создатель.

За любовью, за радостью гнался я долго,
На дорогах порою было и больно,
В преклонном возрасте осознал только,
Друзья, любовью моей стал Создатель.

Все люди мира хотят счастливыми быть,
Но многие не знают, как счастливо жить,
Я в Божьих заветах постиг счастья суть,
Друзья, учителем моим стал Создатель.

ГОРБАТЫЙ И ХРОМОЙ

Один по пути глухой горбатый шёл домой,
Стемнело, в дали кладбище было.
Тревожно в душе, он Божий завет
Читал, спешил, дорогу снегом замело.
В полночь у кладбища услышал голос:
— Гей, горбатый человек, куда держишь путь?
Отчего ты боишься, всех нас создал Бог,
Ты уже не горбатый, да, в молитвах суть.
Забыв себя, наш герой добежал домой,
В зеркало смотрит, видит, горба нет.
Два дня от радости он говорил с собой,
Всем на третий поведал здоровья секрет.
Но у него был сосед хромой, злой,
“Не с чистыми руками, с тёмною душой”.
И он захотел чуда, шёл на кладбище,
Ночью один с ружьём, — опасной ношей.
И услышал тот голос, который ждал:
— Гей, хромой человек, куда держишь путь?
За спиной у тебя под пальто ружьё
Торчит, как горб, горбат ты стал, ныне, тут.
Хромой, еле, под утро добрался домой,
С дороги прилёг, он очень устал,
Два дня он спал, на третий встал,
Смотрит в зеркало, горбатым стал.
“По заслугам” получил хромой злой,
И горбатый получил за молитву тогда.
Мой читатель, очисти от греха души,
Будь ты добрым, не делай зла никогда!

МОЛОДОЙ ПОЭТ

К Шекспиру пришёл молодой поэт,
Показав свою поэзию: стих и сонет...
Спросил: – Как дальше в поэзии «идти?»
Шекспир в ответ: – Главное, «своего найти».
Шекспир спросил у него: – Кто его кумир?
Он ответил: – Мой кумир – гений Шекспир.
Шекспир сказал: – Мой кумир в античности жил,
Софокл – «Царь Эдипа» он автором был.
В поэзии я хотел «Софоклом» быть,
Но стал Шекспиром, не буду забыт,
Учись у Софокла, он лучше меня,
Иначе никого не выйдет из тебя».

ПОЖЕЛАНИЕ

От доброго человека нет никогда вреда,
У злого человека не честное кредо,
У нечестного всегда опасная среда,
Я желаю счастья вам, мои милые!
Я желаю блага вам, мои добрые!

Кто когда насытился на благо мира?
Кто не шёл тропой своего кумира?
Кто мечтал побывать на пиках Памира?
Я желаю счастья вам, мои милые!
Я желаю блага вам, мои добрые!

Мир держится так чудно от доброты людей,
Деяньям и грехам Бог будет судьей,
Юлдаш Бахри, от музы чарку до дна пей!
Я желаю счастья вам, мои милые!
Я желаю блага вам, мои добрые!

БЛАГОДАРНОСТЬ

До чего же нас любит Господь?
Он для нас создал небосвод,
Алмазами нарядил его,
Неведомы нам цели его.

До чего же нас любит Творец?
Он нам создал земной дворец,
Он нам дарит золотой свет,
К счастью нас ведёт «Завет».

До чего нас – всех любит Бог?
Он очень мил, простит порок,
Он волю дал на выбор дорог,
Он в сердцах любви огонь зажжёт.

До чего нас любит Создатель?
Он вездесущ, он благодетель,
Он не рождён, родил никого,
Нет кроме Бога вечного ничего.

ЛЮБОВЬ К ДЕЛУ

Был гончар искусный – «золотые руки»,
Делал своё добро и не знал муки.
К нему молодой парень пришёл,
Мастера за печью, за делом нашёл.
Он его спросил: – Нужен – ли ученик?
Я к вашей лавке приходить привык.
Гончар говорил: – Прежде всего,
Мне нужна любовь Всевышнего,
Коли пришёл, за дело берись,
Всё может быть, но ты не сердись!
Ученик начал, изо всех сил
Ногами глину по пояс месил...
Продажа кувшинов нарасхват идёт,
Учитель дело умело ведёт.
Денег хватит на все нужды,
Ученик вывод сделал однажды.
Гончару говорил: – Отпустите меня,
Мастером стал, как вы, нынче, я.
Благословение мастера хотел,
Мастер за делом у печи потел.
Мастер сказал: – Это не дело,
Ты любишь деньги, а не ремесло.
Ученик ушёл, лавку открыл
Недели на две, потом закрыл.
Он мастеру пришёл: – Простите меня,
Я ещё молод, позорил себя.
Гончар говорил: – Прежде всего,
Мне нужна любовь Всевышнего.
Будешь работать теперь у печи,
Обжигать кувшин без очков в ночи...
Продажа кувшинов нарасхват идёт,

Учитель дело умело ведёт.
Денег хватит на все нужды,
Ученик вывод сделал однажды.
Гончару говорил: – Отпустите меня,
Стал мастером, теперь, как вы, я.
Мастер сказал: – Это не дело,
У тебя любви к делу мало.
Ученик ушёл, лавку открыл,
Недели на три, снова закрыл.
Он мастеру пришёл: – Примите меня,
Я глупо поступил, позорил себя.
У меня теперь на мели дела,
Больше не могу, нужда привела.
Учитель сказал: – Прежде всего,
Мне нужна любовь Всевышнего!...
Печка гончара горит день и ночь,
Любовь к делу сон гонит прочь.
Из печи выходят кувшины в ряд,
Мастер их целует все подряд.
Потом эмалью обливает он,
Снова в печку на обжиг, в огонь.
Из печи выходят шедевры в ряд,
Кто их увидит, будет очень рад.
На них «звенят зайчики солнца»,
На изящных шейках есть чудо – кольца.
Кувшины, как будто девичьи талии,
Ажурное платье – на них эмали.
Гончар говорил: – Теперь час настал,
Будь ты отдельным, мастером стал!
Ученик в ответ: – Я сам не могу,
Залить эмалью я вам помогу.
Гончар говорил: – Мастер у печи

Должен работать без очков ночью.
В печке: уголь, огонь, да пепел,
На кувшинах в печи оседает пыль.
Ты при обжиге пыли не видал,
Не обдувая, заливал эмаль.
От того на кувшинах блеска не было,
Я их обдувал очень умело.
Теперь ты искусным мастером стал,
Обдуешь кувшин, заблестит эмаль...
Ученик свою лавку открыл,
Я тоже у него кувшины купил.
Я от младшего услышал эту,
Теперь её поведаю всему свету.

ШАХ И РЫБАК

Царь Ирана – шах Хусрав любил рыбу есть,
До одного рыбака дошла эта весть.
Хусрав с женой Ширин в саду сидел,
Рыбак рыбу принёс ту, что наудил.
Обрадованный Хусрав денщика позвал,
За рыбу три тысячи отдать приказал.
Рыбак взял золото, и поклон отдал,
За пазуху запихнув, удалился вдаль.
Жена шаха Хусраву сказала тогда:
– «Возвратить надо деньги, иначе, когда
Купили – бы за три тысяч рыбу у других,
Всё равно, недовольных найдётся среди них,
Скажут, – Нас почитал Хусрав, как рыбак,
Дадите мало, они скажут: – «Надели колпак...»
Рыбака позвать, он идёт мимо купола,
И спросить: – Его рыба, какого пола?
Скажет: – Самка, вы скажите, нам нужен самец,
За пазухой три тысячи отдаст, молодец.
Скажет: – Самец, вы скажите, нам нужна самка,
Всесильно, он даст деньги, – это приманка.
Шах спросил: – Твоя рыба пола, какого?
Рыбак тоже смысленный, мыслил толково,
Он ответил: – Пол улова среднего рода:
И не самец, и не самка – такая порода.
Шах за находчивость денщика позвал,
Ему ещё три тысячи отдать приказал.
Шестью тысячами рыбак удалился тот час,
Но уронил у ворот золото, наклоняясь
Быстро поднял, поцеловал, и хотел уйти,
Жена шаха приказала ему подойти.
Сказала шаху: – Рыбак – скупой, не стоит ему
Делать милость, проверьте его по уму!

Рыбак сказал: – Поклон шаху, наш шах велик!
На золоте отчеканен его святой лик,
Не хорошо под ногами валяться ему,
Мигом поднял, поцеловал, подошёл к нему.
Радостный шах за похвалу денщика позвал,
Ещё три тысячи ему отдать приказал.
Девять тысяч за рыбу – красная мена,
Девять тысяч золота – мудрости цена.

ШАХ И ПУСТЫННИК

Шах Мадхи со свитой на охоте был,
За оленем погнался, выбился из сил.
Заблудившись под вечер, подъехал в гости
Пустыннику в шалаш, болели кости.
Шах спросил у него: – Что есть поесть,
Проголодался за вес день, окажи почеть!
Пустынник был бедняком, сухариков дал,
Шах съев сухарики ему сказал:
– Не насытился я этим, что ещё есть?
Пустынник дал ему вина бокалов шесть.
Шах выпив один бокал, ему сказал:
– Пустынник, ты кому сейчас почеть оказал?
Тот ответил: – Не знаю, кто вы такой?
Шах сказал: – Я – всадник шаха, дорогой!
Шах выпив второй бокал, ему сказал:
– Пустынник, ты кому сейчас сухарики дал?
Тот ответил: – Не знаю, кто вы такой?
Шах сказал: – Я – воевода шаха, дорогой!
Шах выпив ещё бокал, ему сказал:
– Кто тут перед тобой, ты не знаешь, жаль?
Тот ответил: – Не знаю, кто вы такой?
Шах сказал: – Я – твой шах, а ну-ка, спой!
Тогда убрав пустынник: скатерть, бокал,
Пьяному шаху он сердцем сказал:
Когда пил первый бокал, всадником был,
Второй бокал воеводой ты – же опустил.
С третьим бокалом ты шахом стал,
Видать, я тебе уж много вина дал.
Если выпьешь четвёртый, пророком будешь,
А после пятого, ты жизнь забудешь.

ЩЕДРЫЙ ХАТАМ

На востоке прославился щедрым Хатам,
У него был младший брат по соседству там.
Когда умер своей смертью старший брат,
Младший мечтал восславиться, как брат стократ.
Младшему мать сказала: – Ты не сможешь быть
Как Хатам восславленным, тебе проще жить.
У себя щедрый Хатам строил минарет,
В минарете он сидел каждый день в обед.
Вокруг минарета семьдесят семь выемок было,
Туда бедняков каждый день нужда приводила.
Теперь сидел в минарете младший брат,
Тоже хотел подаяние подать, тогда его мать
Засунула в выемку руку в тот же час,
Сын заметил, одна рука пришла в третий раз.
Два раза он дал деньги, а потом камень,
С сожалением мать сказала ему в тот день:
– Для проверки Хатама я семьдесят семь раз
Протягивала руку, подавал он мне каждый раз.
Я знала, у Хатама великий дух был,
Он ребёнком всех любил и был очень мил.
При кормлении грудь мою он не сразу брал,
Ты ребёнком одну сосал, а вторую держал.

ДАМОКЛОВ МЕЧ

У царя Дионисия был любимцем Дамокл,
Царь любимца баловал, а он ему говорил:
Мой царь тебе хорошо, красавицы все вокруг,
Царское вино круглый год и я тебе дорогой друг,
У меня одна мечта шахом быть на день,
Потом мне всё равно, хоть жизнь взамен.
Тогда царь Дионисий задумал шутку,
Свой трон Дамоклу он дал на сутки.
Вокруг трона целый день рой красавиц гудел,
Царствовать по – своему Дамокл сумел:
Ел, пил, красавиц любил, с ними спал,
А утром под носом он меч увидал.
Тяжёлый, острый меч на волоске висел,
Как увидел Дамокл, два часа сидел.
Потом царя спросил: – Зачем меч висит,
Какой смысл тут скрыт, можешь объяснить?
Ему тогда царь сказал: – Простой народ
Думает только о пище, о тепле, ... как кот.
Царь опасается о душе каждый день и год,
Ходит как-бы под мечом, смысл в том, вот.

ДРУГ ШАХА

У падишаха Ар-Рашида был друг Бахлил,
Когда Бахлил приходил, шах с ним вино пил.
Шах куда-то по делам однажды ушёл,
Бахлил в это время во дворец пришёл.
С дороги он устал, трон увидал,
Посидев там немножко, затем задремал.
Дворцовый увидал, на троне другой
Спит на месте шаха, он толкнул рукой,
Разбудил и с трона встать повелел,
Бахлил с места друга встать не хотел.
Тогда дворцовые побили его,
Синяки под глазами появились у него.
Шах Ар-Рашид спросил: – Кто его бил?
Он ответил: – На троне немножко сидел,
Мой друг, ты сидишь на троне давно,
Видать, тебе нелегка корона, явно.

ЗАВЕТЫ ЗНАХАРЯ

Есть притча на востоке, под пылью веков
Лежала долго, но я пыли стряхнул оков.
Перед смертью знахарь Лукман сказал сыну:
– В моей жизни истек срок, я мир покину.
Будь ты добрым, правдивым, тебе дальше жить,
Три завета я скажу, ты их не забудь!
Первый завет: – Не скажи, любимой секрет,
Второй: – Другом исправника не считай – совет:
Третий завет: – От скупого деньги не бери,
Потребуется в трудный час от тебя, пойми!
Сказав эти, покинул свет знахарь Лукман,
После отца все – три завета проверил он:
Исправником дружил, деньги взимал
От скупого он большие, коня нанимал...
На базаре купил барана, зарезал его,
Клад в мешок, для секрета от жены сего.
Домой приехал, жена спросила: – А – это что?
Он пошутил: – Тело врага нашего – это.
Мешок закопал во дворе, в углу своего,
Для замашки клал камен на него.
Шли дни, шли года.... Была ссора,
За злую выдумку назрела кара.
Во всё горло орала жена во дворе:
– Убийца – муж, ты закопал кого, говори?
Слышали соседи, слушал народ,
Слух дошёл до хана, до больших ворот.
